Insonga naf keltirish – oliy baxt

# Ishonch

2010-yil 22-iyul № 87-88 (2813) payshanba

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Маҳият**

*Меҳнат ҳаёт қонуни эканини болалигиданоқ билиб олган, нон пешона тери билан топилишини ёшлигиданоқ тушунган одам жасорат кўрсатишга қодирдир, чунки зарур кун ва соатда у жасорат кўрсатишга ўзида ирода ҳам, куч ҳам топа олади.*

*Жюл ВЕРН*

# Ўзбекистон ғаллакорларига

Қадрли дўстлар!

Аввалambор, сиз, азиз деҳқон ва фермерларимизни, барча дала меҳнаткашларини 7 миллион тоннага яқин юксак ғалла хирмони бунёд этиб, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тарихида ҳеч шубҳасиз навбатдаги янги саҳифа очишга эришганингиз — мана шундай улкан ғалабангиз билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Азалдан нондек азиз ва табаррук неъматнинг қадрига етадиган, уни кўзига тўтиё қилиб яшайдиган халқимиз бу беқиёс ютуқ қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига қўлга киритилганини чуқур англайди ва ризқ-рўзимиз бўлмиш бундай бебаҳо бойликни бизга насиб этгани, эл-юртимизнинг йўлини очиб бергани, ўзи мададкор бўлгани учун Яратганимизга шукроналар билдириб, заҳматкаш, фидойи деҳқонларимизга тасаннолар айтади.

Бир вақтлар ўлкамиз ўз эҳтиёжини қондириш мақсадида кимгадир муҳтож бўлиб, кимгадир ялиниб, катта маблағлар тўлаш ҳисобидан донни четдан олиб келганини инобатга оладиган бўлсак, бугунги кунда Ватанимиз ғалла мустақиллигига эришиб, ҳар томонлама тўқчиликни қўлга киритганимиз, керак бўлса, ғаллани экспорт қилиш имкониятига эга бўлганимиз, шу кунларга етганимиз учун барчамиз чин қалбдан миннатдор бўлишимиз табиий, албатта.

Азизларим, барчангиз яхши биласиз, бундай марраларга етиш осон бўлгани йўқ.

Бунинг негизида, аввало, узоқни кўзлаб, изчиллик билан амалга оширилаётган давлат сиёсати, чуқур ўйланган ислоҳотлар, шу йўлда энг муҳим ўрин ва аҳамият касб этган фермерлик ҳаракатига ўтганимиз, унга кенг йўл ва имтиёзлар очиб берганимиз, ҳозирги вақтда юртимизда фермерлик ҳақиқатан ҳам тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётгани, айни пайтда соҳага илмий асосланган, Ўзбекистоннинг иқлими ва шароитига мослаштирилган замонавий агротехнологияларни жорий қилиш, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳолисининг меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш масалалари мужассам бўлганини такрор-такрор айтиш ўринли деб биламан.

Шу борада ерни ҳақиқий эгасига топширганимиз, мулкдорлик ва ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссиёти далада ишлайдиган ҳар бир одамнинг қалбидан чуқур жой олгани, шу аснода меҳнатчиларимизнинг дунёқараши ўзгариб, онгу тафаккури юксалиб, келажакка ишонч туйғуси янада мустаҳкам бўлиб бораётганининг ўзи бугун қишлоқларимизда юз бераётган туб ўзгаришларнинг яққол намунаси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Кейинги йилларда минтақамизда об-ҳаво ва иқлимнинг ўзгариб бораётгани, хусусан, ўтган йили кузнинг ноқулай келгани, баҳорда дўл, сел ва ёғингарчилик меъёридан кўп бўлгани, қолаверса, турли зараркунандалар ва касалликлар бошоқли экинлар ривожига салбий таъсир кўрсатди. Ҳатто ғалла ўримга келган пайтда кучли шамол ва жала туфайли айрим далаларда бўлиқ майсаларнинг ётиб қолиши қўшимча ташвиш туғдирди. Мухтасар айтганда, мана шундай мураккаб ҳолатлар ғаллакорларимизнинг иродасини яна бир марта жиддий имтиҳондан ўтказди.

Шуни ғурур ва ифтихор билан таъкидлаш лозимки, ҳаёт синовларида тобланган, азму шижоатли деҳқонларимиз бу имтиҳондан ёруғ юз билан ўтиб, барча қийинчиликларни енгиб, мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Мамлакат бўйича ўтган йилга нисбатан 286 минг тонна кўп дон етиштирилгани, суғориладиган ерлардан ҳосилдорлик гектарига ўртача 51 центнерни ташкил этгани, лалми ерлардан ҳам баракали ҳосил олингани бунинг амалий тасдиғидир.

Айниқса, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида ҳосилдорлик даражаси ўртача 53-58 центнерни ташкил этгани, Пахтаобод, Балиқчи, Иштихон, Яккабоғ, Касби, Учқўрғон, Риждувон, Пешку, Қуйи Чирчиқ, Дўстлик туманларида бу кўрсаткич 55-67 центнердан юқори бўлгани фидойи ўзбек деҳқонининг қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир бор намоён этди.

Энг муҳими, шартнома мажбуриятларига амал қилган ҳолда, етиштирилган ҳосилнинг 4 миллион 90 минг тоннаси, яъни қарийб 60 фоизи фермер хўжаликлари ва аҳоли ихтиёрида қолдирилгани деҳқонларимизнинг омбори ғаллага, рўзғори қут-баракага тўлиб, уларнинг ўз меҳнатидан катта манфаат топаётганининг ёрқин ифодасидир.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида мамлакатимиз тараққиёти, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи учун, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялашдек олижаноб ишларимизни янада кенг кўламда давом эттириш, юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида белгилаб олган дастур ва режаларимизни амалга ошириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

Албатта, ҳали далаларимизда қиладиган ишларимиз кўп. Энг аввало, етиштирилган ғалла ҳосилини тўла йиғиб-териб олиш, ерни шудгорлаш ишларини сифатли бажариб, келгуси йил ҳосилига пухта замин яратишимиз керак.

Ишончим комилки, юртимиз деҳқонлари қишлоқ хўжалиги ишларини самарали давом эттириб, пахта, сабзавот, полиз ва бошқа экинлардан ҳам мўл ҳосил етиштиришга ва бу йилги мавсумни барча соҳалар бўйича ёруғ юз билан якунлашга эришадилар.

Мана шундай хурсандчилик кунда сиз миришкор фермерларимизга, ўрим-йиғимда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилган механизаторларга, мутахассис ва мутасаддиларга, бугунги улкан ютуққа муносиб ҳисса қўшган барча-барча инсонларга яна бир бор чин қалбимдан самимий миннатдорлик изҳор этаман. Лафзи ҳалол, мард ва танти бободеҳқонларимизга бутун халқимиз номидан таъзим қиламан.

Хонадонларимиздан, эл-юртимиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барака аримасин!

Меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*Ота-боболаримиз азалдан миллий ҳунармандчиликнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланиб, уларни авлоддан авлодга ўтишини ҳам таъминлаб келишган. Аммо уларнинг меҳнати ҳозиргидек қадр топмаган. Бугунги кунда ҳунармандларимизга яратилаётган имкониятлар туфайли қатор марказлар, савдо расталари ташкил этилди.*

*Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган ҳунармандлар марказини ҳам ушбу имкониятлар меваси дейиш мумкин. Бу ердаги ҳунармандчилик намуналари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Айниқса, моҳир усталар қўлида жило топиб, расталарга қўйилган миллий қўғирчоқлар кўзларни қувонтиради.*

**Назира БОЙМУРОДОВА олган сурат**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ**

## Р. ИРМАТОВГА «ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек футболининг шуҳратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА реферии Равшан Сайфиддинович Ирматовга «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 20 июл

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ**

## Р. ИЛЬЯСОВНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз футболи шуҳратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришдаги хизматлари, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА реферии Рафаэль Эдуардович Ильясов «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 20 июл

**Конференциядан конференциягача**

# Самарали фаолият натижалари

***Фарғона вилоятида 3 та тармоқ кенгаши, 9 та тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вакиллиги, жами 12 та вилоят микёсидаги касаба уюшма органлари мавжуд. Улар 671.586 нафар аъзога эга 2509 та бошланғич ташкилотни бирлаштирган. Вилоятда 55 та шаҳар, туман қўмитаси, 20 та шаҳар, туман вакиллиги, 2 та бирлашган касаба уюшма қўмитаси бор.***

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг ҳисобот-сайлов конференциясида 2005-2010 йилларда амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди ва камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бирлашма раиси Анвар Юнусов маърузасида таъкидлаганидек, ЎзКУФК қарорларини бажариш бўйича касаба уюшма фаоллари кенг кўламдаги ишларни амалга оширди. Натижада 2007- 2010 йилларда 242 та касаба уюшма ташкилотида 13957 киши касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди.

— Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишда жамоа шартномалари асосий восита ҳисобланади. Ҳозир мулкчилик шакли ва ходимлар сонидан қатъи назар, вилоятдаги барча юридик шахс мақомига эга корхоналарда жамоа шартномалари тузилишига катта эътибор берилмоқда, — деди Анвар Юнусов. — Вилоят ҳокимлиги, Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси ҳамда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя-ланишини таъминлаш бўйича 2009-2011 йиллар учун тузилган уч томонлама келишув асосида ўтган даврда вилоят тармоқ кенгашлари, бирлашма ва бошқармалари ўртасида ҳар йили 17 та шаҳар ва туман миқёсида 47 та тармоқ келишуви «Жамоа келишувлари лойиҳаларини экспертиза қилиш тўғрисида»ги низом асосида экспертизадан ўтказилиб, бажарилиши таъминланмоқда. Ўтган йили 12685 та жамоа шартномаси экспертизадан ўтказилди ва рўйхатга олинди.

Қайд этилдики, вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда 49432 киши жамоа шартномалари орқали бепул соғломлаштирилди. 2007 йилда фоизсиз ссуда берилиши жорий этилгандан сўнг 3 йил мобайнида корхона ва ташкилотлар ҳисобидан 76 нафар ходимга 181 млн. сўмдан ортиқ ссуда ажратилди.

**(Конференциялар ҳақидаги материаллар газетанинг 2-3-бетларида берилмоқда).**

# Хамкор

Андижон заминидаги катта ўзгаришлар, қурилиш ва ободончилик ишларида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг ҳам муносиб улуши бор.

Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг 5-конференциясида юқоридаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Унда вилоят бирлашма раиси Қодиржон Парпиев ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ва галдаги вазифалар ҳақида маъруза қилди.

— Фаолиятимизда меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий ҳимоя каби бир-бирига боғлиқ йўналишлар мавжуд, — деди Қ.Парпиев. — Ижтимоий шерикчиликда жамоа келишувлари ва шартномалари муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда вилоятда 22 та, шаҳар ва туманлар миқёсида 32 та, жами 54 та ҳудудий тармоқ келишуви тузилган. Бу йил касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларида асосий эътибор меҳнаткашларни, касаба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашнинг омили бўлган жамоа шартномалари ва келишувларининг бажарилишига қаратилди.

Вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ўртасида 2009-2011 йиллар учун ҳамкорлик келишуви қабул қилиниб, бажарилиши назоратга олинган.

Конференцияда таъкидланганидек, корхона ва ташкилотларда уларнинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда жамоа шартномаларига ходимлар учун бир қанча имтиёзлар киритилишига эришилди. Уларнинг ижроси қатъий назоратга олинган.

**Вазирлар Маҳкамасининг «2010 - 2012 йилларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва модернизация дастурларини амалга ошириш, Қўқон шаҳрини индустриал ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорида шаҳар ҳудудидаги ишламай ётган корхоналарни жонлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.**

## «Қўқон люкс текстил» иш бошлайди...

**Яқинда шаҳардаги Ҳамза кўчаси 12-уйда жойлашган собиқ «Аҳмад текстил» МЧЖ негизида «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан «Қўқон люкс текстил» МЧЖ ташкил этилди.**

**Банк бошқарувчиси З.Қосимовнинг таъкидлашича, ҳозир Хитойдан тикув дастгоҳлари сотиб олиш учун 190 минг АҚШ долларига импорт шартномаси имзоланган.**

**Айни пайтда жамият иншоотлари реконструкция қилинмоқда. Корхона ишга тушгач, кўплаб иш ўринлари яратилади.**

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Янги кун янгиликлари

***Тадбиркор Абдуҳамид Мингжигитовнинг саъй-ҳаракати туфайли ташкил этилган «Гулистон ғишт саноат» масъулияти чекланган жамияти киска фурсатда тилга тушди. Корхонада тайёрланаётган маҳсулотларга талаб кундан-кунга ортиб бормоқда.***

## 40 киши ишли бўлди

Абдулҳамид корхонани бунёд этишда Президентимизнинг 2009 йил 19 июндаги «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига суяниб иш кўрди. Дастлаб «Қишлоққурилишбанк»нинг вилоят филиалидан 450 млн. сўм кредит олиб, унинг 76 млн. сўмини 120 мингта ғишт сиғимига эга бўлган айланма хумдон қурилишига йўналтирди.

Қолган маблағга хорижда ишлаб чиқарилган замонавий жиҳозлар келтирилди. Шунингдек, Хитойдан экскаватор, махсус юк ташиш машиналари сотиб олинди.

Энг муҳими, 40 киши доимий иш билан таъминланди.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

***Коровулбозор тумани маркази кун сайин кўркамлашмоқда. Айни пайтда бу ердаги «Гўзал» спорт-соғломлаштириш мажмуида кенг кўламли таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилаяпти.***

## «Гўзал» янада гавжумлашади

Баркамол авлод йилида мажмуа фаолиятини янада кенгайтириш, спортсевар ёшларга қулайлик яратиш кўзда тутилган. Яқин кунларда мажмуа ҳудудидаги кўркам фаввора ишга туширилади. Туман ёшлари қўл тўпи, минифутбол, бокс, баскетбол, волейбол, миллий кураш билан шуғулланишига имкон яратилмоқда.

Мажмуада таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг жадал суръатларда боришида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиалининг 190 млн. сўм, ҳомий ташкилотлар — «Бухоронефтгазпармалаш», «Ўзпарқурилиш», «Ўзпаравтотранс» очиқ акционерлик жамиятларининг 200 млн. сўмлик улуши қўл келмоқда.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Ishonch
2010-yil 22-iyul № 87-88 (2813)

# Касаба уюшмалари — Хамкор

## Андижон вилояти

***Андижон вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳуқуқий бўлими томонидан ўтган ҳисобот даврида мамлакатимиз қонунчилигида назарда тутилган йўналишлар ва ЎзКУФК раёсатининг қарори билан тасдиқланган низомга асосан аъзоларнинг ариза, шикоят ва таклифлари ўрганилиб, керакли чоралар кўрилди.***

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

2005 йилда жамоа шартномалари 6290 та бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилга келиб 8053 тага етди. 2005 йилда вилоят бўйича жамоа шартномаларида белгиланган тадбирларни бажариш учун ҳар бир ходимга ўртача 58800 сўм сарфланган. 2009 йилда бу рақам 149000 сўмни ташкил этди. Яъни ходим тўлаган аъзолик бадалига нисбатан жамоа шартномаси орқали бир неча марта кўп фойда кўрмоқда.

Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш касаба уюшма ташкилотлари олдидаги муҳим вазифадир. Иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик 2010 йилнинг 1 январида 2.620.765.400 сўмни ташкил қилган. Жорий йилнинг 6 ойи давомида касаба уюшма ташкилотлари томонидан иш берувчилар олдига 104 та расмий талабнома қўйилиши, маҳаллий ижро этувчи органларга 55 марта, ҳуқуқий инспекторларга 11 марта, прокуратура ва суд органларига 3 марта мурожаат қилиниши натижасида 1 млрд. 600 млн. сўмдан ортиқроқ қарз ундирилди.

Ёқилғи энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси вилоят вакиллигида иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик тугатилган бўлса, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши бўйича қарздорлик 605 млн. сўмга қисқартирилди.

— Аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш касаба уюшмалари фаолиятининг яна бир муҳим йўналишидир, — деди бирлашма раиси. — Вилоятда 2009 йилнинг ўзида йирик объектларни ишга тушириш, қайта қуриш ва кенгайтириш, инвестиция ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурлари, кичик бизнес ва тадбиркорликни, касаначиликни ривожлантириш ҳисобига 77889 та янги иш ўрни яратилди ва йиллик режа 100,7 фоизга бажарилди.

Бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар базаси вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва тармоқ касаба уюшмалари билан ҳамкорликда яратилмоқда. 2009 йилда 107 та, жорий йилда 54 та бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Шаҳар ва туман ҳокимларининг қарорларига асосан 2010 йилда вилоят бўйича ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналадиган фуқаролар учун 669 та корхонада 5410 та иш ўрни банд қилинган.

Ёшларни касаба уюшмаларига кенгроқ жалб қилиш мақсадида Ёшлар кенгаши фаолларининг бевосита ташкилотчилигида режа асосида учрашувлар ўтказилмоқда. Ҳисобот даврида ходимларни соғломлаштириш мақсадида саломатлик спартакиадалари, хотира турнирлари ва бошқа мусобақалар анъанавий тарзда ўтказиб келинди. 2009 йилда бу тадбирларга 60 мингдан зиёд касаба уюшма аъзоси жалб этилди. 12065 киши турли санаторийларда дам олдирилди.

Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова, вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Кетмонов иштирок этиб, касаба уюшмалари олдидаги долзарб вазифалар тўғрисида атрофлича фикр билдирди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси этиб янги муддатга Қ.Парпиев сайланди.

**Ўз мухбиримиз**

# Хат ортида инсон тақдири

Кейинги беш йилда фуқаролардан турли мавзуларда 546 та оғзаки мурожаат тушган бўлиб, деярли барчаси аризачилар фойдасига ижобий ҳал этилди. Қонунларни тўғри қўллаш бўйича тизимдаги 79 та корхонага ҳуқуқий ёрдам берилди. Қонунларни тарғиб қилишга оид 138 та семинар ва давра суҳбати ўтказилди. Аммо қонунни билмаслик ёки билиб туриб унга бепарволик билан муносабатда бўлиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Бизга фуқаро Д.Юсупова мурожаат этиб, Андижон иқтисодиёт коллежида ишлаб туғруқ таътилига чиққан вақтида ноқонуний ишдан бўшатилганлигидан арз қилди. Ариза жойига бориб ўрганилди ва Д.Юсупова ишига тикланди.

Андижон шаҳар халқ таълими бўлими рус тили фани услубчиси Д.Муратова билан тузилган меҳнат шартномаси ҳам ноқонуний бекор қилинган. Д.Муратова ҳам ишига тикланди, унга мажбуран бекор юрган кунлари учун ҳақ ундириб берилди.

«Андижонпахтасаноат» ҳудудий ҳиссадорлик бирлашмасида иш ҳақи бўйича бош мутахассис вазифасида ишлаган Х.Ашурматовнинг 2004-2009 йиллар учун меҳнат таътили берилмаганлиги ҳақидаги мурожаати ҳам ижобий ҳал этилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Кези келганда корхона ва ташкилотларда амалдаги қонун ҳужжатларига бир назар солиб, кейин қарор чиқарилса, мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлаш лозим. Шунда беҳуда югур-югурларнинг олди олинган бўлади.

**Пўлатжон ЖЎРАБОЕВ,**
**вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳуқуқ бўлими мудири**

# Ҳар ишга қодир

Бугунги кунда касаба уюшма ташкилотининг асосий вазифаси корхона, ташкилот, муассасаларда хизмат қилаётган ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Бунда касаба уюшмалари тармоқ вакиллиги тасарруфидаги бошланғич ташкилотларда тузилаётган жамоа шартномалари ва келишувлари муҳим аҳамиятга эга. Биргина мисол, 2004 йили тармоқ бўйича 69 та жамоа шартномаси қабул қилинган бўлса, 2010 йилнинг шу кунига қадар бу кўрсаткич 122 тани ташкил этди. Ишчилар учун имтиёзли тушлик овқат, бепул тиббий ва транспорт хизмати, соғломлаштириш, спорт ишлари жамоа шартномаларида ўз аксини топган. Бу борада «Андижон нашриёти матбаа» масъулияти чекланган жамияти, вилоят адабиёт ва санъат музейи ҳамда футбол лицей-интернати, Шаҳрихон ва Жалолқудуқ туманлари маданият ва спорт ишлари бошқармаси касаба уюшмаси фаолиятини ижобий баҳолаш мумкин.

Меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳимоясининг асосий негизларидан бири уларни ва фарзандларини соғломлаштиришдир. Шу мақсадда 193 та санаторийга йўлланма учун 37 млн. 695 минг 900 сўм сарфланди.

Кейинги йилларда меҳнаткашларни соғломлаштиришда спорт муҳим ўрин тутмоқда. Ўтган даврда вилоят вакиллигининг 3 босқичли спартакиадаси, аёллар эстафеталари ўтказилди. Бунинг учун йил давомида 19 млн. 723 минг 400 сўм сарфланди. Ҳар йили қабул қилинаётган давлат дастурларидан келиб чиқиб, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

**Рисолатхон НИЯЗОВА,**
**Маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Андижон вилоятидаги вакили**

***Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти касаба уюшма ташкилотининг 3273 нафар аъзоси бор. Жамоа шартномасида ходимлар учун талай имтиёзлар белгиланган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат кишилар ҳаётида муҳим ўрин тутаётир. Хусусан, ўтган йилларда жамоа шартномаси асосида кам таъминланган 101 оилага 4,1 млн. 50 та кўп болали оилага 2,2 млн. 55 нафар уруш ва меҳнат ветерани ва 7 нафар ногирон ишчига 1,2 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. 26 нафар аёлнинг иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилди.***

# Ҳамиша эъзозда

Меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда меҳнат муҳофазаси муҳим аҳамиятга эга. Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини кучайтириш, танловлар ўтказиш орқали иш жойларида хавфсиз меҳнат шароити яратиш юзасидан институтда бир қатор тадбирлар амалга оширилаётир.

Суғурта ва институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан 9 нафар ходим санаторийларда бепул соғломлаштирилди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳомийлигида 10 нафар чин етим ва ногирон талаба «Чортоқ», «Косонсой», «Чимён» санаторийларида ҳамда 30 нафар кам таъминланган талаба ёзги оромгоҳларда соғлиғини тиклаб қайтди. Бундан ташқари, Марказий кенгаш томонидан талабаларнинг ёзги дам олишини ташкил қилиш учун 1 млн. сўм маблағ ажратилди.

Ўқитувчилар ва талабалар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда спортнинг ўрни беқиёс. Талаба ва ходимларни мусобақаларга тайёрлаш учун маъмурият томонидан жорий йилнинг шу кунигача 12 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Натижада, талабаларимиз «Универсиада — 2010» мусобақаларида, ўқитувчиларимиз эса Чирчиқ шаҳрида ўтказилган олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ўртасидаги 2-республика спартакиадасида муваффақиятли иштирок этди.

**Икромжон НАСРИДДИНОВ,**
**Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти ходимлар ва талабалар касаба уюшма қўмитаси раиси**

# Ишчилар манфаати йўлида

***Корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш, кузги ва қишки мавсумга тайёргарлик кўриш, ариза ва шикоятлар, маданий-маърифий тадбирлар борасида маъмурият ва касаба уюшма қўмиталари олиб бораётган ишлар ҳисобот-сайлов конференцияларида бирма-бир кўриб чиқилди.***

Жамоа шартномасида белгиланган меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари таҳлил қилинганда 2009 йилда ҳар бир кишига 36355 сўм ёки ўтган йилдагига нисбатан 11 фоиз кўп маблағ сарфлангани маълум бўлди.

2008-2009 йиллар мобайнида 25 дан ортиқ корхонада меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилиниши ўрганилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик масаласи «Миматаштекстил» хорижий корхонасида яхши йўлга қўйилган. Корхонада Германия ва Швейцариядан олиб келинган дастгоҳлар ўрнатилган бўлиб, уларда ҳимоя тўсиқлари, блокиратор ва ишора берувчи қурилмалар мавжуд. Корхонада хавфсизлик ва санитария-гигиена талабларига риоя этилишини таъминлаш борасида уч босқичли текшириш олиб борилмоқда.

Лекин «Асакатекстил», «Маданияттекстил», «Ҳумоюн», «Хўжаобод» МЧЖ, «Иссиқлик манбаи» ОАЖ каби корхона ва ташкилотларда бу соҳага эътибор етарли эмас.

Енгил саноат корхоналарида ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш, яъни иссиқ овқат ва транспорт хизматини бепул ташкил этиш, тунги сменада ва ишдан ташқари вақтда ишлагани учун қўшимча иш ҳақи бериш жамоа шартномаларида белгилаб қўйилган. «Миматаштекстил» корхонаси, «Самошертекс» қўшма корхонаси, «Сувоқава» очиқ акциядорлик жамияти, «Фусункор» масъулияти чекланган жамияти, Андижон шаҳри ва туманлардаги ободонлаштириш бўлимларида бу борадаги ишлар ибратлидир.

Тармоқдаги меҳнаткашларнинг 60,4 фоизи, яъни 9850 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Шунинг учун жамоа шартномаларида хотин-қизлар ва ёшларга алоҳида эътибор қаратилган.

Корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми қишлоқларда жойлашган. 2009 йилда 24 та корхонада қишлоқларда истиқомат қиладиган кам таъминланганларнинг 545 нафарига корхона ва касаба уюшма маблағларидан 21 млн. 294 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. 3 та талабанинг контракт пулини тўлаб беришга 2 млн. 30 минг сўм сарфланди. Кам таъминланган оилаларнинг 10 нафар фарзанди учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилинди. Байрам ва турли тадбирларда корхона ва касаба уюшма ҳисобидан эҳтиёжманд оилаларга, ногирон, кўмакка муҳтож ишчиларнинг 187 нафарига 6 млн. 400 минг сўм миқдорида ёрдам кўрсатилди.

Ходимлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга эътибор катта. Ҳар йили ўтказилаётган республика спартакиадаси ва бадиий жамоалар иштирокидаги 3 босқичли танловларда корхона ва ташкилотларимиз вакиллари фаол иштирок этмоқда.

2010 йилда ҳам меҳнаткашлар учун хавфсиз меҳнат шароитини яратиш ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоялаш, ходимларга иш ҳақи ва нафақалар ўз вақтида берилишини мунтазам назорат қилиб бориш асосий вазифамиз бўлиб қолаверади.

**Бахтиёр ЖЎРАЕВ,**
**Ўзбекистон Енгил, мебел саноати ва коммуналмаиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Андижон вилоятидаги вакили**

# Муносиб баҳо

Бугун таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши таркибида 18 та туман ва шаҳар бирлашган касаба уюшма қўмитаси, 3 та олий таълим муассасасининг ходимлар ва талабалар касаба уюшма қўмитаси, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси, 1067 та бошланғич, 457 та цех ва 2473 та гуруҳ касаба уюшма ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Уларга 157 мингдан ортиқ аъзо бирлашган.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида касаба уюшма органларига ишбилармон, ташаббускор, обрўли, юқори маънавиятга ва маърифатга эга, касаба уюшмаси аъзоларининг манфаатини ҳимоя қила оладиган шахсларнинг сайланишига эришилди. Сайланган касаба уюшмаси цех қўмиталари раисларининг 90 фоизга яқини, касаба уюшма қўмиталари раисларининг ярмидан ортиғи хотин-қизлар, уларнинг ҳам 87 фоизи, тафтиш комиссиялари аъзоларининг 77 фоизи олий маълумотлидир.

Ҳозир тармоғимиз касаба уюшмаси таркибида 1504 та таълим муассасаси мавжуд, шундан юридик шахс мақомига эга 1067 та касаба уюшма ташкилотида жамоа шартномаси қабул қилинган ва улар орқали 157 мингдан ортиқ ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш назарда тутилган. Жамоа шартномаларининг барчасига ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш талаби киритилди. Ҳисобот даврида 3 мингдан зиёд ходим жамоа шартномаси орқали соғломлаштирилди, уларга сарфланган маблағ 465 млн. 387 минг 600 сўмни ташкил қилди.

Касаба уюшма ташкилоти ва унинг қўмитаси фаолиятини баҳолашда асосий кўрсаткич ҳар бир ходим, талаба ва ўқувчига жамоа шартномасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун сарфланган маблағ миқдоридир. Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун тармоқ бўйича ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 2005 йилдаги 15250 сўмдан, 2009 йилда 98230 сўмгача ортди.

Имзоланган барча жамоа келишувлари ва шартномаларига биноан ҳисобот даврида 2162 нафар ходим санаторий ва дам олиш уйларида, 135 нафари эса санаторий-профилактория лларда соғломлаштирилди.

Ўтган беш йил мобайнида вилоят касаба уюшма кенгаши ҳисобидан санаторий-профилакторияларга 2758 та йўлланма ажратилди, шундан 2623 таси талабаларга берилди.

Конференциялар оралиғида талаба ва ўқувчиларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор берилди. Ҳар йили ўрта ҳисобда 100 дан зиёд етим, 300 га яқин отаси ёки онаси йўқ, кам таъминланган, иқтисодий ёрдамга муҳтож, кўп болали оилаларнинг фарзандлари алоҳида назоратга олиниб, ижтимоий муҳофаза қилиш тизими йўлга қўйилди.

Олий таълим муассасаларининг иқтидорли, жамоат ишларида фаол қатнашаётган талабаларидан 35 нафарига устама стипендия берилди. Бундан ташқари, вилоят кенгаши ҳам 92 нафар коллеж ўқувчисига худди шундай стипендия жорий қилди.

Ҳисобот даврида талабаларни соғломлаштириш касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келди. Ҳар йили давлат дастурларидан келиб чиқиб, вилоят олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 20 дан ортиқ ногирон ва етим талабалар «Чимён», «Косонсой», «Чортоқ» санаторийларида дам олдирилди.

Жорий йилнинг Баркамол авлод йили дея номланишида катта маъно бор. Зеро, келажак бугунги ёшлар қўлида. Уларнинг соғлом бўлиб улғайиши учун барча шароит яратилган. Биргина спорт соҳасини олиб кўрсак, вилоят Халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги умумтаълим мактабларида 15 та стадион ва футбол майдони, 10 та бассейн, 494 та футбол, 780 та волейбол, 671 та баскетбол, 342 та қўл тўпи, 30 та теннис, 194 та минифутбол майдончаси мавжуд.

Бугунги кунда вилоят Халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 53 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 28 мингдан зиёд ўқувчи спортнинг қатор турлари билан шуғулланмоқда. Шунингдек, 2003-2008 йиллар мобайнида Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан вилоят қишлоқларида 60 та янги спорт иншооти қурилди.

Ҳозирги кунга келиб таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши тасарруфидаги таълим муассасаларида 32 та спорт устаси, 5 та халқаро тоифадаги спорт устаси, 721 та мураббий фаолият кўрсатаяпти.

**Эркинжон КАРИМОВ,**
**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши раиси**

Саҳифани «Ishonch» мухбирлари Абдулҳай ЮНУСОВ ва Шерзод АБДУСАМАДОВ тайёрлади.

Ishonch
2010-yil 22-iyul № 87-88 (2813)



# ХОДИМЛАРНИНГ ҲАМКОРИ ВА ТАЯНЧИ

## Фарғона вилояти

## Самарали фаолият натижалари

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Шунингдек, «Касаначилик маҳнатини ташкил этиш тўғрисида»ги низомга асосан вилоятдаги 58 та йирик саноат корхонасида касаначилик йўлга қўйилиб, 3872 та янги иш ўрни яратилди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи унитар корхонаси, «Фарғона иссиқлик электр маркази» «Фарғонаазот», «Қўқонсуперфосфат», «Қўқонспирт» акциядорлик жамиятлари шулар жумласидандир.

— Иш ҳақи бўйича қарздорликни бартараф этиш борасидаги чора-тадбирлар натижасида, 5 йил мобайнида меҳнаткашларининг 19 млрд. 624 млн. сўмлик иш ҳақи ундириб берилди, — деди Анвар Юнусов. — Шунингдек, иш берувчилар номига 2231 та тақдимнома ва 4135 та талабнома киритилди. 9150 нафар шахснинг ҳуқуқи низосиз тикланди. 12274 марта текшириш ўтказилиб, 12 млрд. 803 млн. сўмлик зарар ихтиёрий равишда қопланди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида кичик бизнес ва сервис соҳаси, касаначилик ва бандликнинг бошқа самарали шаклларини ривожлантирилиши ҳисобига 90050 та иш ўрни яратилди. Таъкидлаш жоиз, ҳисобот даврида вилоят, шаҳар ва туманларда ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 46291 киши ишга жойлаштирилди. 1581 киши касб тайёргарлигини ошириш учун ўқишга юборилди.

Касаба уюшмалари томонидан 2009 йилда 81 та янги иш ўрни яратилди. Қишлоқларда яшовчи аҳолининг доимий даромадини таъминлаш мақсадида қорамол сотиб олиш учун 1,7 млрд. сўмлик имтиёзли кредит ажратилиб, кам таъминланган оилаларга 2 мингдан ортиқ қорамол тарқатилди.

Ўтган даврда спорт ва соғломлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ташкилотлардаги 290 та жисмоний тарбия жамоасида 186747 нафар ишчи мунтазам шуғулланмоқда. Вилоят олий ўқув юртларида жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланаётган 48043 та талабадан 12490 нафари спорт секцияларида маҳоратини оширмоқда. Касаба уюшмаларига қарашли спорт мактабида бокс, футбол, енгил ва оғир атлетика, миллий ва эркин кураш, дзюдо, эшкак эшиш, велоспорт, сузиш, волейбол ва баскетбол бўйича 22 нафар тажрибали мураббий машғулот ўтказаяпти. Айниқса, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги тантаналари олдидан ЎзКУФК томонидан ёпиқ сув ҳавзаси тўёна сифатида фойдаланишга топширилгани қувонарли воқеа бўлди. Ҳозир «Ёшлик» сув спорти мактабида Марғилон шаҳри ва Охунбобоев туманидаги 220 нафар ўғил-қиз сабоқ олмоқда.

Ҳисоботда вилоят ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, халқ таълими бошқармаси ҳамда болаларни соғломлаштиришга мутасадди бошқа ташкилотлар саъй-ҳаракатлари туфайли 23 та шаҳар ташқарисида жойлашган оромгоҳда 6869 нафар, спорт-соғломлаштириш оромгоҳида 1936 нафар, 82 та мактаб қошидаги кундузги оромгоҳда 36880 нафар бола дам олдирилгани эътироф этилди. Шундан 49985 нафар бола ижтимоий суғурта бюджети ҳисобидан дам олдирилган. Шунингдек, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларидан 8200 нафари шаҳар ташқарисидаги, 205 нафари спорт-соғломлаштириш ва 9500 нафари кундузги оромгоҳларда бепул соғломлаштирилди.

Санаторий-курортларда соғломлаштириш харажатлари учун 4 млрд. 458 млн. 889 минг сўм сарфланиб, ўтган даврда ЎзКУФКга қарашли сиҳатгоҳлар, дам олиш уйларидан белгиланган тартибда йўлланмалар олинди ва касаба уюшма ташкилотлари орқали 24645 нафар меҳнаткаш сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларида, 9776 нафар ходим ва талаба санаторий-профилакторийларда иш ва ўқишдан ажралмаган ҳолда соғлиғини тиклади.

— 2005-2010йилларда фуқаролардан 3956 та шикоят ва ариза тушган, шундан 956 таси ёзма, 3000 таси оғзаки. Уларнинг 95 фоизи мутахассисларимиз томонидан ижобий ҳал этилди, — деди Анвар Юнусов. — Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича иш берувчиларга 251 та тақдимнома киритилди. Фуқаролик ишлари бўйича судларга 48 та даъво аризаси билан чиқилиб, меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилинди.

Маданий-маърифий ишларга ҳам бирлашма катта эътибор қаратаётгани эътибор молик. Жумладан, «Ўзбекистон — ватаним маним» танловида вилоятимиз корхона, ташкилот ва муассасаларининг 3150 нафар ходими қатнашди. Танловнинг республика босқичида муваффақиятли иштирок этган 4 нафар вакилимиз Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати бўлди. Шунингдек, 2009 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган «Ўзбекистон, сени куйлайман» санъат фестивалида 20 нафар бадиий ҳаваскоримиз иштирок этиб, ЎзКУФК дипломлари билан тақдирланди.

Дарвоқе, касаба уюшмалари тизимида 11 та кутубхона мавжуд, улардаги 85901 нусха китобдан беш йил давомида 30202 киши фойдаланган. Китобхонларга яхши шароит яратиб бериш, китоб фондини ошириш мақсадида касаба уюшмалари томонидан 9 375 000 сўм маблағ ажратилди ва 11858 нусха янги китоб олиб берилди.

Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова иштирок этиб, мамлакатимизда касаба уюшмалари олиб бораётган хайрли ишлар, жумладан, бунда Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг ўрни ва вазифалари ҳақида тўхталиб ўтди.

Йиғилишда, шунингдек, ЎзКУФК ташкилий ишлар бўлими мудири Вали Қўчқоров, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Носирхон Акбаров, Курортлар бошқармаси бошлиғи Акмал Йўлдошев иштирок этди.

А.Юнусов янги муддатга Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси этиб сайланди.

**Ўз мухбиримиз**

***Раънохон Марасулова «ДЭУ текстил Фарғона» корхонасига ишга келганида ҳали ғўр, ёш ходим эди. Тез орада тиришқоқлиги билан устозларининг назарига тушди. 2009 йилда корхона Тошлоқ ва Охунбобоев туманидаги йигирув ва тўқув корхоналар билан бирлашиб, йирик текстил компаниясига айланди. Қайтадан тўлиқ реконструкция қилинган, цех ва бўлимлар энг сўнгги русумдаги дастгоҳлар билан жиҳозланган корхонада Раънохондек замонавий технологияларни яхши тушунадиган, янгиликларга тез кўникадиган ёшларнинг қадри ошди. Озгина муддат қайта тайёргарликдан сўнг Раънохон йигирув цехиниг оператори этиб тайинланди.***

## Ёшлар — корхона келажаги

— Замонавий дастгоҳларнинг операторлиги масъулиятли вазифа, — деди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Гулнора Юсупова. — Илгари ўнлаб одамлар бошқарадиган линияларни ҳозир бир киши бошқариши керак. Албатта, компютер технологиялари операторлар ишини осонлаштиради. Лекин ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнида инсон омили асосий рол ўйнайди. Раънохондек ходимларимиз бу вазифани аъло даражада уддаламоқда. Раънохон 2009 йили енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг «Меҳнат муҳофазаси бўйича энг намунали жамоатчилик назорати вакили» танловида қатнашиб, 2-даражали диплом билан тақдирланди. Бунда корхонамиз раҳбарияти ва жамоат ташкилотларининг хизмати катта бўлди.

Раҳбарият томонидан барча зарур ҳужжатлар, меҳнат муҳофазаси бўйича қилиниши керак бўлган ишлар аъло даражада бажариб борилди. Бунда касаба уюшмасининг талаб ва таклифлари ҳам инобатга олинди. Ҳозир корхонамизда 3500 дан зиёд киши ишлайди. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатини ҳимоялаш юзасидан қатор ишлар бажарилмоқда. Касаба уюшма таркибида спорт, маданият, меҳнат муҳофазаси, маънавий ишлар бўйича ҳайъат доимий фаолият юритади. Ходимлар учун барча шароит яратилган.

Кўплаб ходимларимиз «Зомин», «Чинобод», «Умид гулшани», «Ботаника», «Чортоқ», «Чимён», «Қизилтепа» каби сиҳатгоҳларда, «Фарғоний» дам олиш уйида соғлиғини мустаҳкамлаб қайтди. Жорий йилда ходимларнинг 140 нафар фарзанди оромгоҳларда дам олдирилди. Бунга 4 млн. 345 минг сўм сарфланди. Ота-оналарга ёрдам тариқасида ўтган йили 360 нафар болага 3 700 800 сўмлик ўқув қуроллари харид қилинди.

Ўтган йили 14 нафар ёш ходим Жанубий Кореяга текстил корхоналарида тажриба алмашиш ҳамда саёҳат қилиш учун жўнатилди. Бу йил айни кунгача 7 ходим тажриба алмашиб қайтди.

**Раҳматжон МИРЗАЛИЕВ,**
**Енгил, мебел саноати ва комунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят бўйича вакиллиги етакчи мутахассиси**

## «Коинот»даги таътил

***Қўқон шаҳридаги Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгашига қарашли «Коинот» оромгоҳига кириб борганимизда у ерда «Америка ҳиндулари куни» нишонланаётган экан. Турли бўёқлардан юзларига никоб чизиб, ҳиндуча кийимлар, патлар билан безатилган бош кийимларини кийган болаларнинг шодон қийқириқлари ҳамма жойни тутиб кетган.***

— Бу йил мавсумга алоҳида тайёргарлик кўрдик, — деди директор Рустамжон Нурматов. — Оромгоҳимиз Баркамол авлод йилига мос, ҳар томонлама тайёр бўлиши учун Қўқон шаҳар ҳокимияти, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий ва вилоят кенгашлари кўрсатган эътибор, ажратган маблағлар ҳисобига тўлиқ таъмирланиб, янги жиҳозлар билан таъминланди. Жумладан, барча ётоқхоналарга юмшоқ мебеллар, диван, кароватлар олиб берилди.

«Коинот» оромгоҳи Қўқон шаҳрининг соя-салқин ҳудудида жойлашган. Бу ердаги ҳарорат шаҳар ичидагига нисбатан 5-6 даража фарқ қилиши, жазирама ёзда отилиб турган фавворалар, юз йиллик чинорларнинг тангадек қуёш нурини ҳам туширмаслиги боис, оромгоҳ вилоятдаги барча болаларнинг севимли жойларидан бирига айланган. У 320 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозир бу ерда иккинчи навбатдаги дам олувчиларни кузатишга тайёргарлик кетмоқда.

Мавсумга тайёргарлик жараёнида оромгоҳ капитал таъмирланди. Болалар учун янги теннис, бадминтон, волейбол, баскетбол майдончалари, рақс майдончаси қуриб берилди. Футбол майдонига янги чим ётқизилди. Фавворалар атрофи, чўмилиш ҳавзаси ичига янги кафеллар ёпиштирилиб, атрофи соябонли ўриндиқлар билан таъминланди. Барча йўлакларга янгидан асфалт ётқизилди.

— Вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши томонидан дам олиш хонамизга уй кинотеатри, ёзги кинотеатримизга ҳомийлар ажратган маблағларга мултимедия проектори олиб берилгани, болаларнинг кўнглидаги иш бўлди, — деди оромгоҳ бош етакчиси Муқаддамхон Усмонова. — Ёзги кинотеатримизда касаба уюшмалари олиб берган филм ва мультфилмларни намойиш қилаяпмиз. Тўгаракларимиз эса болаларга компютер, интернет билан ишлаш, ҳунармандчиликка қизиқишини оширишда ёрдам бермоқда. Ишончимиз комилки, болалар оромгоҳдан кетганидан сўнг ҳам бу ерда олган таассуротларини узоқ вақт эслаб юришади.

**Манзура АКРАМОВА,**
**вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири**

***Қишлоқ хўжалигида касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ходимлари олиб бораётган ишлар самараси ўлароқ фермер хўжаликларида меҳнаткашлар учун қулай шароитлар яратилмоқда.***

## Ижтимоий ҳимоя

Олтиариқ туманидаги «Юксалиш саховати» фермер хўжалиги, асосан пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Ҳар йили режани ортиғи билан бажараётган хўжалик тез орада даромадини ходимларнинг иш шароитини яхшилаш, ижтимоий муҳофаза сифатини оширишга қаратди.

Фермер хўжалигида касаба уюшма ташкилоти тузилиб, 70 га яқин меҳнаткашнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий маифаатларини ҳимоя қилиш, меҳнатга оид муносабатларни тартибга солиш юзасидан жамоа шартномаси тузилди.

— Ўтган йили аъзоларимизнинг таълим олаётган икки фарзанди учун жамоа шартномаси орқали хўжалик ҳисобидан 2 млн. 600 минг сўм маблағ ўтказиб берилди, — деди фермер хўжалиги касаба уюшма гуруҳи ташкилотчиси Башоратхон Лутфуллаева. — Ходимларнинг соғлиғини тиклаш мақсадида «Қизилтепа», «Чимён», «Рапқон» сиҳатгоҳларига бепул йўлланма берилмоқда. Бундан ташқари ҳар йили ишчиларнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларга саёҳати уюштирилади. Маҳалла аҳли ва фермер хўжалигимиз аъзолари иштирокида байрамлар кенг нишонланиб, кам таъминланган оилалар, ёлғиз яшовчилар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиб келинмоқда.

Хўжалик шийпонида ҳам ишчиларга барча шароит яратилган. Кунига икки маҳал бепул иссиқ овқат ташкил қилинган. Ишчилар учун дам олиш, овқатланиш ва ювиниш хоналари барпо қилинди. Спорт мусобақалари учун инвентарлар, кийимлар олиниб, касаба уюшмаси ташкилотчиси ихтиёрига топширилди.

Шунингдек, Бағдод туманидаги «Абдумутал Мадаминов» фермер хўжалигида ҳам 105 нафар ходим бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Хўжалик ҳисобидан бунинг учун ҳар йили 2 млн. 200 минг сўм сарфланади. Шу билан бирга, ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва меҳнатини муносиб қадрлашга асосий эътибор қаратилган. Ходимлар дам олишини ташкил этиш учун хўжалик ҳисобидан 1 млн. 500 минг сўм сарфланган.

Бундай саховатпеша фермер хўжаликлари қаторига Бувайда туманидаги «Абдуллажон деҳқон боғи», Ёзёвон туманидаги «Фар Расулжон», Бешариқ туманидаги «Умарали Каримов», Данғара туманидаги «Сатторали Ҳайдаров», Риштон туманидаги «Ихтиёр СМЭК» фермер хўжаликларини киритишимиз мумкин.

**Камолиддин ЮСУПОВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши мутахассиси**

## «Саломатлик — 2010»

***Арсив қишлоғидаги «Аҳмад Фарғоний» дам олиш уйида вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгашининг «Саломатлик — 2010» спартакиадаси якунланди.***

Унда 25 ва ундан юқори ёшдаги саломатлик посбонлари енгил атлетика, стол тенниси, армрестлинг, аёллар ўртасида волейбол, эркаклар ўртасида минифутбол, шахмат, шашка мусобақаларида қатнашди. Иштирокчилар учун амфитеатрда қизиқарли концерт дастури ташкиллаштирилиб, йиғилганларга ўзбекона дастурхон ёзилди.

Қизғин баҳслардан сўнг умумий ҳисобда Риштон тумани тиббиётчилари биринчи, Тошлоқ тумани вакиллари иккинчи, Қува тумани вакиллари эса учинчи ўринни қўлга киритди.

— Спартакиада бизда катта таассурот қолдирди, — деди Риштон туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси раиси Моҳира Туйғунова. — Айниқса, кейинги пайтда бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказилаётгани қувонарли. Концерт ҳам барчамизга маъқул бўлди.

Голиблар спартакиаданинг 29-30 июл кунлари Андижон шаҳар «Шифокор» оромгоҳида ўтказиладиган республика босқичида иштирок этиш имкониятини ва тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгашининг қимматбаҳо совғаларини қўлга киритди.

## Ишдан ҳайдалган эди...

***— Сиз ходимсиз, раҳбарингиз айтганини бекаму кўст бажаришингиз керак, — деди Бағдод тумани «Чуваланчи» қишлоқ фуқаролар йиғини котибаси Зулфияхон Каримжоновага раис М.Хамдамов. — Ишдан эрта кетиш, кеч келишни бас қилинг. Айтилган топшириқларни вақтида бажаринг. Бўлмаса катта кўча.***

— Ишдан вақтли кетаётганим йўқ, — дея ўзини оқлади у. — Эрталаб ҳаммадан эрта келаман-ку ахир. Нима қилай, ёлғиз аёлман, ўғлим кичкина, онам касал...

Шу каби кўнгилсиз воқеалар кунда, кунора такрорланаверди. Раҳбарга ёқмай қолдингми тамом, ишдан кетишдан бошқа иложинг йўқ. Тирноқ остидан кир қидириш, ҳар ишингдан бир «лекин» топиш давом этаверади. Ўрнига аллақачон янги ходим олиш режалаштириб қўйилган Зулфияхонга «раиснинг одами» ҳисобланганлар ҳам бўҳтон қилиб, тазйиқ ўтказа бошлашди. Натижада, З.Каримжонова ишдан бўшатилди.

2009 йил май ойида Зулфияхон Каримжонова Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмалари вилоят вакиллигига шикоят қилди. Ишни касаба уюшма ҳуқуқшунослари ўрганганда, З.Каримжоновани ишдан бўшатишда амалдаги Меҳнат кодекси талаблари бузилишига йўл қўйилгани маълум бўлди. Хусусан, иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишни расмийлаштиришда Меҳнат кодексининг 100, 107-моддаларига риоя этилмаган. Натижада, 2009 йил 13 майда Бағдод туман «Чуваланчи» МФЙ вакиллар кенгашига, туман ҳокимлиги, «Чуваланчи» ҚФЙ раиси А.Халиловга З.Каримжоновани ишга тиклашни талаб қилиб тақдимнома киритилди. Касаба уюшма ҳуқуқшуносларининг саъй-ҳаракати билан З.Каримжонова лавозимига қайта тикланди. Мажбуран бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ундириб берилди.

**Орзугул ҚОЗИХОНОВА,**
**Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмалари вилоят вакиллиги ҳуқуқшуноси**

Саҳифани «Ishonch» мухбирлари Улуғбек ИБОДИНОВ ва Акмал ТОШЕВ тайёрлади.

Ishonch
2010-yil 22-iyul № 87-88 (2813)

## «Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — парақкиётимиз таянчи» республика панорамаси

***Президентимиз томонидан 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши турли соҳаларда фаолият юритаётган мутахассислар қатори Ўзбекистон фанлар академияси ёш олимларини ҳам қувонтирди. Шу муносабат билан академия тасарруфидаги 40 га яқин илмий-тадқиқот муассасаси тадқиқотчи, аспирант ва докторантларини бирлаштирган «Ёш олимлар кенгаши» ташкил қилинди. Ҳозирги кунда ЎзФА тасарруфидаги илмий-тадқиқот муассасаларида 97 нафар академик, 261 нафар профессор, 448 нафар фан доктори, 752 нафар катта илмий ходим, 1041 нафар фан номзоди ва 387 нафар аспирант фаолият олиб бормоқда. Қуйида ЎзФА таркибидаги «Ботаника» ИИЧМда изланиш олиб борайётган ёш олимларнинг тадқиқотлари ҳақида сўз юритамиз.***

# Нафотдан инжу топганлар

### Жанубий Оролқум флораси

Ёш олим Санжар Шеримбетов ЎзФА «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази кичик илмий ходими, биология фанлари номзоди. У 1983 йили Қорақалпоғистоннинг Амударё туманида туғилган. 2000 йили Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти табиатшунослик факултетига ўқишга қабул қилинган. 2003 йили Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таъсис этган Улуғбек номидаги давлат стипендияси совриндори бўлган.

2004 йилда мазкур институтни имтиёзли диплом билан тамомлаб, Ўзбекистон Миллий университети биология-тупроқшунослик факултети ботаника кафедраси магистратурасига қабул қилинган. 2006-2007 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган. 2007 йилдан ЎзФА «Ботаника» ИИЧМда фаолият юритиб келади.

У 2009 йил декабр ойида «Жанубий-Ғарбий Оролқум флораси ва ўсимликлар қоплами» мавзусидаги номзодлик диссертациясини аспирантурада таҳсил олиш давридаёқ муваффақиятли ҳимоя қилди. Шу кунгача номзодлик ва докторлик диссертацияси мавзусига оид 40 га яқин илмий мақола ва тезислари нашр қилинган. Шундан 15 таси хорижий журнал ва тўпламлар, жумладан, Петрозаводск, Пувдина, Иркутск, Одесса, Ивано-Франковск, Ялта, Ашхобод, Алмати каби шаҳарларнинг журнал ва тўпламларида чоп этилган.

2007 йил 8-10 октябрда Украинанинг Ивано-Франковск шаҳрида бўлиб ўтган халқаро илмий конференцияда «The flora and plants of Saribas lake's coast of the dried Aral Sea's bottom» мавзусидаги маъруза билан қатнашди.

Санжар республика миқёсида ўтадиган илмий анжуманларда ҳам мунтазам қатнашиб келади. 2008 йил сентябр ойида Самарқанд шаҳрида ўтган «Табиий фанларнинг долзарб муаммолари» номли республика ёш олимлари конференциясида фахрли 3-ўринни эгаллади.

Шу йили ЭКОСАН халқаро ташкилоти таъсис этган республика танловида ҳам ғолиб бўлди. Унинг асосий илмий изланишлари Орол денгизи сувидан бўшаган ҳудудларнинг флораси ва ўсимликлар қопламини ўрганишга қаратилган.

«Жанубий-Ғарбий Оролқум флораси ва ўсимликлар қоплами» мавзусидаги номзодлик ишининг долзарб жиҳатларига эътибор қаратадиган бўлсак, бугунги кунда табиатга антропоген омилларнинг салбий таъсири туфайли кўп жойларда биоэкологик фожиа юз бермоқда. Улардан бири Орол денгизининг қуришидир. Денгиз сувининг чекиниши натижасида улкан қум-шўрхокли ландшафтлар мажмуасидан иборат типик чўл таркиб топди. Бу чўл Оролқум деб атала бошланди. Оролқум дунёдаги энг ёш чўл ҳисобланади. Унинг шимолий қисми Қозоғистон, жанубий қисми эса Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Сўнгги маълумотларга кўра, унинг майдони 5 млн. гектарни ташкил қилиб, шундан 3 млн. гектарга яқини мамлакатимизга тегишли.

Денгиз сувидан бўшаган ҳудудлар олимлар олдига унинг флораси ва ўсимликлар қопламини ҳар томонлама ўрганиш муаммосини қўйди. Вужудга келаётган янги табиий комплекслар структураси, ривожланиш йўналиши, ландшафтлар ўзгариши Оролнинг қуриган қисмини синчиклаб ўрганишни тақозо этади. Шу боис бўш ерларга ўсимликларнинг кириб келиши динамикаси (миграцияси)ни ўрганиш зарурияти туғилмоқда.

— Тадқиқотлар натижасида илк бор Жанубий-Ғарбий Оролқум ҳудудида 2 бўлим, 3 синф, 11 синфча, 23 қабила, 26 оила, 72 туркумга мансуб 135 тур ўсимликлар ўсиши аниқланди, — деди Санжарбек. — Уларнинг ботаника номенклатураси қоидаларига оид замонавий тизими ишлаб чиқилди. Мазкур ҳудуднинг ўсимликлар қоплами ўрганилиб, ҳудуд ўсимликлари қопламининг 3 климотип, 5 эдафотип, 10 ценотип, 17 формация, 34 ассоциациядан иборатлиги аниқланди. Шундан ҳудуд учун 3 формация ва 6 ассоциация (ўсимликлар гуруҳи) биринчи марта келтирилди. Турларнинг сувдан бўшаган ерларга кириб келиш динамикаси ишлаб чиқилди.

Аниқланган турлардан кўчма қумлар ва шўрхокларни фитомелиорация йўли билан мустаҳкамлашда, ем-хашаклик хусусиятига эга турлардан чорвачиликда фойдаланиш мумкин. Экспедициялар мобайнида йиғилган гербарий намуналари эса ЎзФА «Ботаника» илмий ишлаб чиқариш марказининг гербарий фондини бойитишда муҳим аҳамият касб этади. Санжарбек ҳозир «Жанубий Оролқум флораси» мавзусидаги докторлик диссертацияси устида изланмоқда.

### Экологик шароитга мослашув



Биология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Дилфуза Бердибоеванинг ботаника ихтисослиги бўйича биология фанлари доктори, профессор О.Ашурметов раҳбарлигидаги диссертацияси «Жанубий-Ғарбий Қизилқум буғдойдошларининг экологик шароитга структурал адаптацияси» деб номланган. Унинг мақсади қатор илмий методлар асосида Poaceae Barnh оиласига мансуб айрим ксерофит буғдойдошлар биоморфининг характерли белгилари, вегетатив органлар тузилиши, қурғоқчил шароитга мослашувини аниқлашдир.

Ҳозирги даврда инқирозга учраган Жанубий-Ғарбий Қизилқум экосистемалари ва ўсимликлар генофондини сақлаб қолиш, қайта тиклаш учун турларнинг чўл экстремал шароитига мослашиш даражасини батафсил ўрганиш долзарб масалалардан саналади. Чунончи, Жанубий-Ғарбий Қизилқумда учрайдиган бошоқдошлар оиласи вакиллари кам ўрганилган ўсимликлар гуруҳи ҳисобланади. Адабиётлардан маълумки, С.Рожановский (1961) томонидан «Poa bulbosa L.» номли пиёзбошнинг тузилиши ўрганилган.

Шунингдек, турли гуруҳ ксероморф бошоқдошлар тузилиши, экологияси ва филогенези билан боғлиқ хусусиятлари В.Николаев ва Л.Николаевская (1970) ишларида келтирилган. «Poaceae» оиласи органларининг қиёсий экологик анатомияси ўрганилмаган. Чўлдаги бошоқдошлар юқори даражада озуқабоплиги учун ем-хашак сифатида, шунингдек, қайта кўкариш ва топталишга чидамлилиги жиҳатидан юқори хўжалик аҳамиятига эга ҳисобланади. Эволюцион даражадаги турли таксонларнинг тузилишини ўрганиш адаптация жараёни қонуниятларини очишда ёрдам беради.

Маълумки, ксероморфогенез — ўсимликлар эволюциясининг асосий йуналиши ҳисобланади. Ҳар томонлама изланишлар қурғоқчил шароитга мослашиш жараёнлари, асосан икки паллали чўл ўсимликларида, хусусан, Chenopodaceae оиласи турларида олиб борилмоқда. Мамлакатимизнинг чўл ва чалачўл ҳудудларида мустаҳкам озуқа базасини яратиш чорвачилик ривожланишининг асоси ҳисобланади. Диссертация изланишларининг долзарблиги бу гуруҳ ўсимликларида гистология бўйича фундаментал маълумотлар йўқлиги сабабли ксеротермик шароитларнинг ксерофит бошоқдошлар структурасига таъсирини ўрганишдан иборат. Ксерофит бошоқдошларнинг структурал адаптациясини ўрганиш нафақат илмий, балки амалий томондан ҳам қизиқарлидир. Бу йўналишда олинган маълумотлар қурғоқчиликка ва шўрга чидамли фитомелиорантларни танлашда зарур.

— Илмий ишимнинг янгилиги шундаки, илк бор асосий ботаника услубларини қўллаган ҳолда 6 турдаги ксерофит бошоқдошларнинг уруғ, барг ва новдалари морфоанатомиясини ўрганаман, — деди Дилфуза. — Бир ва кўп йиллик бошоқдошларнинг структурал мослашиш белгилари, ксерофит шароитларига мослашув даражалари, вегетатив органлари структурасига эдафик омилларнинг таъсирини аниқлаш лозим. Ўрганилган структурал белгилар ўсимликлар идентификациясида, яйловлар барпо этиш мақсадида ва янги қишлоқ хўжалик экинлари селекциясида қўллашга тавсия этилади. 6 турдаги ксерофит бошоқдошлар бўйича қуйидаги ишлар режалаштирилган:

— новда типлари ва уларнинг морфометрик кўрсаткичларини аниқлаш;

— шохланиш типларини ажратиш;

— уруғ тузилишини ўрганиш;

— барг ва новдаларнинг мослашиш белгиларини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

— бир ва кўп йиллик бошоқдошларда мослашув белгиларининг йўналишлари, уларнинг фарқларини кўрсатиб бериш;

— уруғ ва вегетатив органларнинг ксеротермик шароитга мослашиш даражасини аниқлаш.

Эътиборли томони шундаки, тадқиқот материаллари Жанубий-Ғарбий Қизилқумга илмий сафар давомида йиғиб олинган. Ўсимликлар уруғ ва вегетатив органларининг структуравий белгилари умумқабул қилинган услублар асосида МБИ-3 ёруғлик микроскопида доимий ва вақтинчалик препаратлардан фойдаланиб ўрганилмоқда. Расмлар РА-4, РА-6 аппаратлари, микросуратлар МФН-12 ва МФН-5 аппаратлари ёрдамида қилинади.

### Hibiscus L. ва Gossypium L.

Биология фанлари номзоди Рустамжон Аллабердиев ҳам «Ботаника» ИИЧМнинг исътедодли олими. Сурхондарё вилояти Термиз туманида туғилган Рустамжон ЎзМУ биология факултети магистратурасини тугатгач, 2001 йилдан «Ботаника» ИИЧМда фаолият юритиб келмоқда. ЎзФА академиги, марҳум А.Иброҳимов ва биология фанлари доктори, профессор К.Сафаров раҳбарлигида илмий изланишни бошлаган Рустамжоннинг «Hibiscus L. ва Gossypium L. айрим турлари эркак гаметофитининг ривожланиш жараёнида оқсилларнинг электрофоретик таркиби» номли номзодлик иши юзасидан 17 та илмий иши чоп этилган.

Охирги ўн йилда биология илмининг жадал ривожланиши



кўпгина чатиштириш механизмлари ҳамда ўсимлик организмининг ривожланиш қонуниятларини ўрганишга имконият яратди. Бу орқали бозор иқтисодиёти талабига жавоб берадиган ва қишлоқ хўжалиги эҳтиёжини қоплайдиган янги ўсимлик навлари олинмоқда.

— Чанг цитоскелет таркибидаги асосий компонентлардан бири — актинга бой манба бўлиб, турли ҳужайравий жараёнларда (масалан, чанг найчаларининг ўсишида) муҳим рол ўйнайди, — деди Р.Аллабердиев. — Чанг найчасининг апикал қисмида актин миқдорининг етарлича бўлмаслиги, чанг найчасининг етарлича ўсмаслиги чангланмасликнинг сабабларидан бири бўлиши мумкин. Шу боис in vivo шароитида чанг найчасининг ўсишини кучайтирувчи методларни излаш маданий ўсимликларни узоқдан дурагайлашдаги чатишмаслик тўсиғини енгиш учун зарур.

Актиннинг оқсил компонентларидан бири эканлиги, ўсиш ва ривожланишга таъсири тўғрисида изланишлар кўпгина илмий адабиётларда (*Pisum sativum L.* (Yong-Ze Ma et al., 1989), *Petunia estivum L., Zea mays L., Gleycina max L.* (Villanueva et al., 1990), *Oryza sativa L.* (McElroy et al., 1990), *Nicotiana tabacum L.* (Thangavelu et al., 1993), *Arabidopsis thaliana* (Sheahan, 2004; Wang, 2004) ёритилган. Бу тадқиқотларнинг натижалари янги, замонавий ва қимматли навларни яратиш мақсадида ўсимликларни узоқ дурагайлашда муҳим аҳамиятга эга. Лекин Malvaceae оиласи вакилларида эркак гаметофитининг ривожланишида қатнашадиган умумий оқсиллар, цитоскелет таркибидаги оқсил — актин ва унинг чанг найчаларининг ўсишига таъсири бўйича тадқиқот ўтказилмаган.

— Тадқиқотнинг мақсади Gossypium L. Hibiscus L. туркуми вакилларининг эркак гаметофити шаклланишида умумий оқсилларнинг динамикасини ўрганиш орқали ривожланишнинг оқсил компонентларини аниқлаш ва унинг *in vitro* шароитида чанг найчалари ўсишига таъсирини ўрганиш, — дея гапини давом эттирди Рустамжон. — Тадқиқот натижасида биринчи марта Hibiscus syriacus *L.* ва Hibiscus hybrida микроспоралари ривожланиш босқичлари ғунча узунлиги билан таққосланди.

Илк бор Gossypium L. Hibiscus L. туркуми айрим вакилларининг эркак гаметофити шаклланиш жараёнидаги умумий оқсиллар синтезининг динамикаси ўрганилди. Шунингдек, эркак гаметофити ривожланиш жараёнида умумий оқсиллар таркибининг ўзгариш хусусиятлари аниқланди.

— Маданий ўсимликларнинг дурагайларини яратишда чатиштириш жараёни жуда муҳим. Ўсимликларнинг чатишмаслик сабабларидан бири чанг найчаларининг устунча ичида етарлича ўсмаслигидир, — деди биология фанлари доктори, профессор Каримжон Сафаров. — Шу боис чанг найчасининг ўсишини кучайтириш усулларини излаш маданий ўсимликларни узоқдан дурагайлашда керак. Бу борада Рустамжоннинг илмий изланиши катта назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Хуллас, сунъий муҳитда чанг доначаларини ўстиришда актиннинг стимулятор таъсири боис ғўза генетикаси ва селекцияси учун истиқболли бирламчи материал сифатида турли хил трансформант ўсимлик шакллари олинди. Ишлаб чиқилган эритмалардан биотехнологик ишларда фойдаланиш мумкин.

* * *

***Илм-фанга эътибор кучли бўлган ҳар бир даврда ёшлар ўз салоҳияти билан тараққиётга ҳисса қўшиб, жамият учун фойдали кашфиётлар қилишган. Шундай экан, мамлакатимиз ёшларига кўрсатилаётган эътибор самараси ўлароқ, ушбу ёш олимларимиз ҳам янада баландроқ илм чўққиларини забт этишига ишонамиз.***

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**Акмал ТОШЕВ,**
**«Ishonch» мухбирлари**

Ishonch
2010-yil 22-iyul № 87-88 (2813)



Қурултойдан қурултойгача

# Санаторийларимизга марҳамат!

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси тизимида 16 та санаторий мавжуд бўлиб, уларда ҳар йили республикамизнинг 65-85 мингдан зиёд фуқароси ҳордиқ чиқариб, саломатлигини тикламоқда. 2005-2009 йилларда 367 мингдан кўпроқ киши дам олди.**

Бозор муносабатлари жадал ривожланаётган ҳозирги даврда санаторий-курорт хизмати сифатини янада юксалтириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, соғлом авлодни тарбиялаш, санаторий-курорт тизимини хорижий давлатларда эришилган ютуқларга таянган ҳолда юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга мос тарзда ташкил этиш талаб қилинмоқда.

Курортлар бошқармаси тизими санаторийларидаги шифокорлар Чехия, Туркия, Малайзия, Қувайт ва Россияда бўлиб, илмий семинарларда қатнашди ва тажриба алмашдилар. Ушбу давлатлар билан ҳамкорликда ишлаш учун шартномалар тузилди.

Республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам санаторий-курорт хизматини халққа яқинлаштириш асосий вазифа этиб белгиланган. Экологик ноқулай шароитда яшовчи аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан Навоий вилояти Хатирчи туманида 80 ўринли «Олтинсой» сиҳатгоҳи ишга туширилди. Натижада, маҳаллий аҳолидан 80 дан зиёд киши иш билан таъминланди.

Санаторийларнинг лойиҳа бўйича жами даволаш имконияти 4568 ўринга тенг. Лекин даволанувчиларга янада қулай шароит яратиш мақсадида 3-4 ўринли хоналар ўрнига 1 ва 2 ўриндан иборат, яхши жиҳозланган хоналар, жаҳон стандартларига

мос келадиган оилавий ва люкс хоналар ташкил этилди. Шунингдек, қисқа муддатли йўлланмалар (курсовкалар), кундузги даволаш хоналари ташкил қилинди.

Халқимизнинг сиҳатгоҳларда даволанишга бўлган талабини тўла қондириш учун кейинги йилларда санаторий-курортлар тармоғини ривожлантириш, қайта қуриш бўйича катта ишлар қилинди. Ётоқ бинолари реконструкция қилиниб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. «Абу Али ибн Сино» сиҳатгоҳини ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш мақсадида янги қудуқ қазилди. Санаторий-курортлардаги барча қурилиш ва таъмирлаш ишлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг «Манзилли қурилиш дастури» асосида маблағ билан таъминланмоқда.

Сиҳатгоҳларда курорт-даволаш ишлари замон талаблари асосида ташкил қилиниб, физиотерапевтик ва балнеологик даволаш усуллари қўлланаяпти. Даволанувчилар тўлиқ текширувдан ўтказилиб, янги даволаш-ташхис усулларидан фойдаланилмоқда.

2007 йилда барча сиҳатгоҳлар рўйхатхоналари алоҳида компьютер билан таъминланди.

Курортлар бошқармасига қарашли барча санаторийларда замонавий даволаш-ташхис базаси, функционал ташхис хоналари, клиник ва биокимёвий лабораториялар мавжуд. Сўнги йилларда психотерапия, рефлексотерапия, магнитотерапия, лазеротерапия, инфрақизил нурлар терапияси, ичакларни компьютер назоратида чайиш,

умуртқа поғонасини тортиш аппаратларидан фойдаланиш жорий қилинди. Натижада, даволаш самарадорлиги ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада ошди. Сиҳатгоҳларда кенг қўлланадиган муолажалардан бири фитодамламалардир. Бу даволаш тури барча санаторийларда яхши йўлга қўйилган, 15 хилдан ортиқ дамлама тайёрланади. Дам олувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришини яхшилаш ва санаторийлардаги шароитни табиий шароитга яқинлаштириш мақсадида «Ботаника», «Умид гулшани», «Бўстон», «Турон», «Чинобод» ва «Зомин» сиҳатгоҳларида кичкина ҳайвонот боғи ташкил қилинган.

Барча санаторийларда асосан табиий шифобахш омиллардан (маъданли сувлар, шифобахш балчиқ, табиий иқлим ва сув ҳавзалари) фойдаланилади.

Республикамизда минерал сувларнинг барча шифобахш хусусиятини ўзида мужассамлаштирган бой гидроминерал ресурслар аниқланган. «Чимён» санаторийсида қўлланаётган минерал сув шифобахшлик борасида Сочи курортидаги «Мацеста» суви билан бемалол беллаша олади. «Чортоқ», «Хонқа», «Ниҳол» сиҳатгоҳлари минерал сувида эса йод ва бром миқдори юқори бўлган сув, «Чинобод», «Турон», «Бўстон», «Ботаника», «Ситораи Моҳи Хоса», «Қашқадарё соҳили», «Олтинсой» ва «Косонсой» санаторийларида «Саки», «Евпатория» курортларининг сувидан қолишмайдиган, хлорид-гидрокарбонат натрийли сувлар топилган. «Абу Али ибн Сино» сиҳатгоҳи ҳудудида «Пятигорск» санаторийсидаги каби родонли сувлар борлиги аниқланган ва даволашда кенг қўлланмоқда.

Республикамиздаги даволаш-профилактика ва санаторий-курорт ташкилотларида Жиззах вилоятининг Балиқли кўлидан келтириладиган сулфидли балчиқ билан даволаш ҳам йўлга қўйилган. 13 та сиҳатгоҳда ҳозирги кунда ана шундай даволаш бўлимлари фаолият кўрсатаяпти.

Барча фуқароларга давлат ва жамият томонидан диққат-эътибор, ғамхўрлик кўрсатиш ҳамда уларни ижтимоий муҳофаза қилишни, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида ҳар йили Президентимиз ташаббуси билан йилларга ўзгача ном берилиб, шу асосда давлат дастурлари қабул қилинади. Бошқармага қарашли санаторийларда 2006 йили «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурини бажариш мақсадида кам таъминланган, кўп болали оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, меҳрибонлик уйлари ва мактаб интернатлар тарбияланувчиларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилди. Курортлар бошқармаси тизимидаги даволаш масканлари томонидан «Меҳрибонлик», «Мурувват» ва «Саховат» уйларига 15 млн. сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.





Болалар боғчалари, мактаб ва мактаб-интернат ўқувчиларига 2 млн. 700 минг сўмлик кийим-кечак, ўқув ва спорт жиҳозлари олиб берилган.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йилида Курортлар бошқармаси кам таъминланган фуқаролар сиҳатгоҳларда бепул даволаниб, дам олиши учун 5 млн. 600 минг сўмдан ортиқ маблағ ажратган.

Сиҳатгоҳларда ишлаётган ходимларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш мақсадида республика санаторийлараро спартакиадаси «Бўстон санаторийси» МЧЖда ўтказилди. Тадбирга 2 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

2008 йили «Ёшлар йили» Давлат дастурини бажариш, ўрта тиббий хизмат маданиятини юксалтириш, ҳамшираларнинг касбий билимларини янада чуқурроқ эгаллашига кўмаклашиш ва турли вилоятлардаги санаторийларда хизмат қилаётган ҳамширалар ўртасида дўстлик алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида «Ҳамшира — 2008» танлови ўтказилди.

Сиҳатгоҳларда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида «Чинобод санаторийси» ОАЖда маданият ва маърифат кенгаши ўтказилди.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқларда истиқомат қилувчи ёлғиз, кам таъминланган 94 нафар ногирон ва етимлар амбулатор шароитида бепул даволанди. Қишлоқ аҳолисидан 3018 нафари соғломлаштирилди.

Санаторийлар маданият масканлари, кутубхоналар, «Маънавият ва маърифат» хоналарида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган кўргазмалар ташкил этилди.

**Акмал ЙЎЛДОШЕВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси бошлиғи**

Таҳлил

***Таҳририятимизга йўлланаётган мактублар сони муштарийларимизнинг бизга билдираётган ишончи, эътиборидан дарак. Улар-да фахр билан ҳикоя қилинаётган тақдирлар, қаҳрамонларга ҳавас қилсанг арзийди. Юртимиздаги фаровонлик манзараларига бағишланган лавҳалардан тўлқинланасан. Айни шу туркумдаги мақолалар таҳлилини эътиборингизга ҳавола этишни жоиз деб топдик.***

# Эътибор ва ишончнинг кучи

## Баркамол авлод — миллат келажаги

Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида: «Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси», — дейилади. Ушбу фикр замирида таълим тизимини ислоҳ қилишда эътибор қаратилиши лозим бўлган туб масала ётибди. Таълим тизимидаги ислоҳотларга бағишланган туркум мақолаларда ҳам бу фикр яққол кўзга ташланмоқда.

«Ҳар тонг коллежга қадам қўяр эканман, бу ерда амалга оширилаётган ишлардан баҳри дилим очилади, — дейди Қарши транспорт касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Робия Норбўтаева «Касбим — фахрим» сарлавҳали мақоласида. — Фарзандларига ғамхўр шундай азиз юртда яшаётганимдан, кенг имкониятларга эга таълим даргоҳида ишлаётганимдан фахрланаман».

Яратилаётган имкониятлар моҳиятини ёритувчи мақолалардаги фактлар янада қувонарли. Жумладан, Рустам Давлатнинг «Бойсунда баркамол авлод улғаймоқда» номли мақоласида қуйидаги сатрларни ўқиймиз: «...Ўтган йили таълим муассасаларининг «Ziyo net» тармоғига босқичма-босқич уланиши ташкиллаштирилиб, шу кунгача 1, 2, 6, 39-мактаблар ушбу хизматдан фойдаланмоқда. 21 та мактабда интернет тизимига уланиш учун «Перфектум» уяли алоқаси ўрнатилган. Қолган мактабларни «Ziyo net» тармоғига улаш ишлари давом эттирилмоқда...

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 3-босқичида белгиланган вазифалар босқичма-босқич амалга оширилаяпти. Жумладан, ўтган йили 35, 47-мактабларнинг ҳар бирига республика «Ижтимоий кўмак маркази» томонидан 5 млн. сўмлик бадиий адабиётлар берилди. 52 та умумтаълим мактаби Жаҳон банки лойиҳаси асосида замонавий компьютер, принтер, сканер, стол-стул билан таъминланган. Яқин кунларда туман мактабларининг 1-4 синф хоналари учун 245 минг АҚШ доллари миқдорида, 5-9 синф хоналари учун 650 минг АҚШ доллари миқдорида ўқув жиҳозлари, кўргазмали қуроллар келтирилади. Халқ таълими бўлимига лойиҳа асосида ана шундай яхши таклифлар билан чиққанлиги учун Жаҳон банки томонидан 12 млн. сўмлик компьютер техникаси, сканер, факс телефони, шкаф, стол-стул бериладиган бўлди».

Шундай қулай шароит хусусидаги фикрини муаллиф Жарқўрғон туман халқ таълими бўлимига қарашли ўқувчилар ижодиёти маркази («Истеъдодлар камол топмоқда» сарлавҳали мақола), Шўрчи туманидаги 122-мактаб-интернат («Меҳр аввал биздан бўлсин») мисолида давом эттиради.

Коллеж ва олий ўқув юртларидаги таълимни ташкиллаштириш, ислоҳотларни қамраб олиш борасидаги интилувчанлик ва изланувчанлик, Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётган ишлар ҳақида газетамизнинг жамоатчи мухбири И.Ҳикматнинг «Беруний издошлари» (Беруний туманидаги бир қатор коллежлар мисолида) ва Жиззах политехника институтининг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректори Дилбар Соатованинг «Қудратли ботиний куч» (институт маънавий-маърифий ҳаёти хусусида) мақолалари орқали яқиндан танишиш имконига эга бўласиз. Зеро, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш ҳар қачонгидан муҳимдир.

## Яхшилик ерда қолмагай...

Исмоилжон Тўхтаевнинг «Адолатпеша раҳбар бўлган» сарлавҳали мақоласида шундай ҳикоя қилинади: «1940-йилларда марказкўм саркотиби Усмон Юсупов Ҳабибийга: «Эрта тонгда тайёр бўлиб турсинлар. Чустга тўйга бориб келамиз», — деб одам юборибди. Эртасига соат олтиларда Ҳабибий билан сафарга кетишибди. Йўл-йўлакай бир-икки колхозга киришибди. Фарғонага етганларида йўлда автобус кутиб турган чолни кўриб, машинага чиқариб олишибди. Анча кексайиб қолган чолнинг қўлтиғида бўш қоп, қўлида янги харид қилинган калиш бор экан. Сўрашганларидан кейин Усмон Юсупов чолни гапга солибди.

У ҳам зўрға турган шекилли, ичидаги бор дардини тўкибди. Ким билан кетаётганини билмай, ҳукумат ишидан, раҳбарлардан нолибди. Чолнинг яхши оти бор экан. Ҳосилот: «Шу отни колхозга арзон нархда сотасан», — дебди. Чол кўнмабди. Ҳосилот турли найранглар билан уни колхоздан қарздор қилиб, отини тортиб олибди. Колхоз мактабига келган янги директорни ҳам мажбуран унинг хонадонига жойлаштиришибди. Ота ҳасратини тўка-тўка, тушадиган ерида тушиб қолибди.

Усмон Юсупов ҳайдовчисига: «Райкомга ҳайда», — дебди. Идорага киргач, чўнтагидан пул олиб, уни кутиб олган райком котибига бериб, ош тайёрлашни айтибди. Икки соат ичида колхоз раиси, ҳосилот, қишлоқ совети раиси ва мактаб директори йиғилибди. Усмон Юсупов ҳайдовчига отани олиб келишни буюрибди. Хуллас, ошни еб, масалани ҳал қилиб, шоир иккиси йўлда давом этишибди.

Қайтишда Усмон Юсупов тўғри отанинг уйига кирибди. Бир пиёла чой ичибди. Чиқиб кетаётганда ота уни тўхтатиб:

— Усмонжон, сизни кейин танидим, қаттиқроқ гапирган бўлсам узр. Аммо шу иш чакки бўлди, булар энди менга тинчлик бермайди, болалар бор, қўрқаман, — дебди.

Усмон Юсупов эса телефон рақамларини ёзиб бериб, бирон гап бўлса қўнғироқ қилишини тайинлаб, чол билан хайрлашибди».

Дунёда фақат яхшилик яшайди, дейди доно халқимиз. Мазкур ҳикоя ҳам шу ҳақиқатнинг бир исботидир. Бугун элнинг орасида номи фақат яхшилик билан тилга олинаётган, кўпнинг дуосига сазовор инсонлар ниҳоятда кўп. Кимдир касбининг ортидан кўпнинг олқишига сазовор бўлаётгани, яна кимдир эл орасидаги хайрли амаллари билан ҳурматга эришаётгани хусусидаги мақола-ю лавҳалар таҳририятимизга йўлланаётган мактубларнинг асосий қисмини ташкил қилади. Хусусан, «Улаш ҳожи Жалил ўғли» фермер хўжалиги раиси Тўлқин Нормуродов («Фермер орзуси», муаллиф А.Абдиев), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор Ўрол Кўчиев («Керкинчак баҳодири», муаллиф И.Ҳикмат), Турғун ота («Одами эрсанг...», муаллиф О.Хушназаров), Чироқчи тумани Чиял қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Овлаяр Нормўминов («Элга қайишсанг, элда қолади», муаллиф А.Абдиев), шифокорлар Қудрат Бекмаматов, Мустафо Эргашев, Беҳзод Амонов («Санитария врачи», муаллиф И.Ҳикмат) фаолиятидан ҳикоя қилинувчи мақолаларда ҳам азалий ҳақиқат юзага қалқиб чиқаверади: яхшилик ерда қолмагай.

Ниятимиз эса битта: шундайлар ҳамиша бор бўлсин!

* * *

Мактубларнинг яна бир туркумида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар (Самарқанд вилоят адлия бошқармаси Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бошлиғи Абдуваҳоб Ориповнинг «Қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатлар», Сирдарё тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Зиёвуддин Зиёевнинг «Ғамхўрлик ифодаси», ИИБ академияси бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди Баҳром Саидовнинг «Баркамол авлод ва унинг ижтимоий муҳофазаси» номли мақолалари), жиноий қилмишлар (И.Ҳикматнинг «Оларда кирар жоним», А.Норқуловнинг «Кечиккан кечирим» сарлавҳали мақолалари), ўтмишнинг ўчмас доғлари (Л.Мансуровнинг «Юракка отилган тош» ҳамда «Синмас ҳақиқат» лавҳалари) хусусида сўз юритилади. Аслида бу мақолаларни шунчаки номма-ном санаб бўлмайди. Уларнинг ҳар бирини алоҳида ижод намунаси деб баҳолаш мумкин. Демакки, таҳририятимиз хатқутилари яна шундай мақола, лавҳа-ю очерклар билан тўлгуси деб ният қиламиз.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

**Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Хусусан, Асосий қонунимизнинг 2-моддасида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги белгилаб қўйилди.**

Адлия идораларида

# Масъулият

Адлия идоралари фаолиятида фуқароларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш, уларга етказилган зарарни қоплаш, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чора кўриш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бу борада самарали фаолият кўрсатиб, фуқароларнинг мурожаатлари ўз вақтида ҳал этилмоқда. Мурожаатларни кўриб чиқиш ҳамда режа асосида ўтказилган ўрганишлар натижасида судларга киритилган 15910445190 сўмлик 854 та даъво аризасидан 89 фоизи ижобий ҳал қилиниб, қаноатлантирилган даъво аризалари бўйича суд қарорларининг 621 таси, яъни 83 фоизининг ижроси таъминланди.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Чилонзор туманидаги Новза маҳалласида яшовчи М.Саминова бошқарманинг «Ишонч телефони»га мурожаат қилиб, ўтган йилнинг октябр ойидан буён бола парвариши учун тўланадиган пул берилмаётгани тўғрисида хабар берган эди.

Ушбу мурожаат ўрганилганда, ҳақиқатан «Халқ банки» Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими ходимининг эътиборсизлиги туфайли бола парвариши учун тўланадиган пулини ололмаганлиги аниқланди. Ўрганиш натижалари бўйича киритилган тақдимномага асосан М.Саминовага 300000 сўм ундириб берилди, тегишли масъул ходимларга интизомий жазо чораси қўлланди.

Шуни айтиш мумкинки, ўтган даврда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, хусусий мулк, тадбиркорлик, кичик бизнес субъектлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасида имтиёз ва кафолатлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилди ва ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Қолаверса, тадбиркорлар фаолиятига тўсқинлик қилаётган муаммоларни бартараф этиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида адлия идоралари зиммасига катта масъулият юкланган. Ана шундан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бунда, айниқса, ҳар ойда камида бир марта бошқармада тадбиркорлик субъектлари учун «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилгани фуқаролар билан алоқаларимизни янада мустаҳкамлади. Унда тадбиркорлик субъектларининг ютуқ ва камчиликлари, шунингдек, муаммолари муҳокама қилиниб, уларга кўмак бериш тартиби жорий этилди.

**Хайриддин ФАЙЗИЕВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи**

## Қинғир ишнинг қийиғи

***Даромадга қараб буромад, деган гап бор халқимизда. Шу маънода солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга тўлашдан бош тортиш ҳолатларини аниқлаш, солиқ ва валютага оид жиноятлар ва қонунбузилишларининг олдини олиш, солиққа тортиладиган базани кенгайтириш ва давлатга етказилган зарарни ундириш долзарб вазифалардан саналади.***

# Қонунбузар жавоб беради

Албатта, бу борада Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

2009 йилда қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан Департаментнинг Сурхондарё вилоят бошқармасида ўтказилган текширишлар ва тайинланган ҳужжатли тафтишлар натижасида 5 млрд. 988 млн. 601 минг сўмлик қўшимча солиқ ҳисобланиб, шундан 1 млрд. 872 млн. 676,1 минг сўми ундирилди ва 393 млн. 364,4 минг сўмлик молиявий жарималар қўлланилиб, шундан 92 млн. 555,8 минг сўмининг ундирилиши таъминланди.

Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини аниқлаш борасида ўтказилган тадбирлар натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан ЎзР ЖКнинг 184-моддаси билан 107 та жиноят иши қўзғатилди.

Фуқароларнинг ҳамда давлат ва барча мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг қонун билан кафолатланган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар натижасида бошқарма томонидан 2009 йилда жами 353 та текшириш ўтказилди.

Шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб келинган импорт товарларнинг бозорларда сотилиши ҳамда сотувдан тушган маблағларни валютага «қора бозор»да алмаштириб, ноқонуний йўллар билан четга олиб чиқиб кетиш ҳолатларига чек қўйиш, валюта «қора бозори»ни тугатиш юзасидан тезкор тадбирларни кучайтириш, йирик миқдорда валюта алмаштириш билан шуғулланувчи шахсларни фош этиш, улардаги ноқонуний пул айланмаси манбаларини аниқлашга қаратилган тадбирлар натижасида 35 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, 20 та ҳолатда жиноят ва 15 та ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 38466 АҚШ доллари, 43620 Россия рубли ва 20704 минг Ўзбекистон сўми ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ўйлаб кўринг, ушбу қонунбузилишларнинг олди олинмаса ёхуд ўз вақтида бартараф этилмаса-чи? Халқимиз таъбири билан айтганда, қонунбузилиш ҳолатлари ёмғирдан кейинги қўзиқоринидек кўпайиб кетиши турган гап, албатта.

**Рўзимаҳмад ТУРСУНҚУЛОВ,**
**Департаментнинг Сурхондарё вилоят бошқармаси Матбуот гуруҳи бошлиғи, адлия кичик маслаҳатчиси**

# Чаламуллаларга чора

**Суд мажлисида уч навқирон йигит қилмишига пушаймон бўлиб, бош эгиб ўтирибди. Улар Когон тумани ва шаҳрида яшовчи Мавлонов Меҳриддин, Сапаров Зафар ҳамда Ширинов Аъзам. Гап шундаки, улар Когон шаҳридаги мебел дўконида диний маълумотга эга бўлмаса-да, озроқ билганлари ҳамда эшитганларидан бошқаларга сабоқ бермоқчи бўлишган.**

Ўзбекистон фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва б.) диний ташкилот деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Конституциясининг 18- ва 31-моддаларида ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланиши, ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга эканлиги, барча фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган.

Диний ташкилотларни ташкил этиш, таъсис ҳужжатларига қўйиладиган талаб ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 20 июндаги 263-қарори билан тасдиқланган Ўзбекистонда диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидаларида белгилаб берилган.

Юқорида номлари тилга олинган кишилар сингари махсус диний таълимотга эга бўлмай туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатисиз диний таълимотдан сабоқ бериш, шунингдек, хусусий тартибда диний таълимотни ўргатиш, нолегал диний фаолият билан шуғулланиш маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади. Ана шундай талаблардан келиб, чиқиб Когондаги ҳуқуқбузарлар фаолиятига чек қўйилди.

**Абдуманнон ШАЙДОЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар суди раиси вазифасини бажарувчи**

## Таассуф!

**Аёл табиатнинг гўзал мўъжизаси. Аёллик шаъни ҳамиша улуғ ҳисобланган. Аммо бу юксак номга доғ тушираётганлар ҳам учраб турибди.**

**...Унинг номи узоқ вақт Гулистон шаҳри деҳқон бозорига даҳшат солди. Сотувчилар, бозордаги олибсотарлар унинг исмини эшитганда аллақандай қўрқувни ҳис қилардилар. Эллик ёшни қаршилаган, бола-чақали, неварали бу аёлни орқаворотдан Атаман опа деб аташарди. Хўш, у аслида ким эди?**



# Аёл номига иснод

Зулхумор Музропова бундан ўн беш йил аввал ҳам қинғир иши учун судланиб, олти йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. Аммо тавба қилмаган экан. Ёши бир жойга борса ҳам эси кирмади. Бекорчиликдан нима қилишини билмай юрган олти нафар бўз йигитни атрофига тўплаб, қароқчилар тўдасини ташкил этди. Гулистон шаҳри марказий деҳқон бозорининг ҳўл мевалар растасини эгаллаб олган жиноий тўда бозорга мева олиб келувчи ҳар бир сотувчидан кунига ўртача 40-50 минг сўмдан улуш оларди. Бўйсунмаганлар қаттиқ жазоланарди: улар келтирган мева-чевалар зўравонлик билан тортиб олиниб, ўзлари аёвсиз калтакланарди. Жиноий тўданинг Азамат Каримов, Сайдали Абдураҳмонов, Шавкат Тўхтасинов, Шуҳрат Нишонов, Ориф Шербоев, Неъматжон Мўйдинов каби аъзолари Атаман опага қарши чиққан ва унинг талабларини бажаришдан бўйин товлаган не-не «қайсар»ларни калтаклар билан «сийлаб», ҳукмини ўтказарди.

Қизиғи, улар билан бозор маъмуриятининг ҳам, ҳудуд профилактика инспекторининг ҳам иши бўлмаган. Бундан руҳланган муштумзўрлар бозорни тамоман ўзларинки қилиб олишади ва сотувчи, деҳқонларга зуғум қилишни баттар кучайтирадилар. Аммо кўза кунда эмас, кунида синар экан. Жиноий гуруҳнинг кўзаси синадиган дамлар ҳам етиб келди.

З.Музропова шотирлари билан бозор айланиб, одатдаги товламачиликни давом эттираётган пайтда узум сотаётган Мунира Умарова талаб қилинган пулни бермай, қайсарлик қилади. Икки аёлнинг жанжалини Мунираниг жияни Зафар Сатторқулов қўл телефонида тасвирга олиб, керакли идорага далил сифатида топширмоқчи бўлади. Бироқ унинг мақсадини англаб қолган қароқчилар тўдаси Зафарни тавбасига таянтирадилар. Калтак азоби етмагандек, чўнтагидаги иккита қимматбаҳо телефонини ва 300 минг сўм пулини тортиб олишади. Бошидан жароҳатланган З.Сатторқулов шифохонага ётқизилади. Жиянининг калтакланиши ва ўзига қилинган зуғумлардан тўйган Мунира Умарова ҳуқуқ-тартибот идораларига нажот истаб боради. Олиб борилган суриштирув ишларида қароқчилар тўдасидан С.Сатторова, А.Алимов, А.Абдураҳмонов, А.Шомуратов, А.Бозорбоева каби тадбиркорлар узоқ вақт жабр кўриб келганликлари маълум бўлди. Ушбу жиноий иш вилоят суди томонидан кўриб чиқилди. Жиноий тўда раҳбари Зулхумор Музропова қинғир ишлари учун 13 йилга озодликдан маҳрум этилди. Гуруҳнинг ўта оғир жиноятларни содир этган бошқа аъзоларига ҳам турли муддатга қамоқ жазоси тайинланди.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири**

## Сўраган экансиз

***Таҳририятга газетхонлар томонидан акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича саволлар тушмоқда. Шуни ҳисобга олиб, бугунги сабоқларимизни ушбу масалага бағишладик.***



### Дивиденд нима ва у қандай тақсимланади?

Дивиденд фойданинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан, қайта инвестиция амалга оширилганидан сўнг акциядорлик жамияти ихтиёрида қоладиган, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисмидир. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

Акциядорлар жамиятининг умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

### Қонунда дивидендларни тўлаш муддати қандай белгиланган?

Жамият йилнинг ҳар чорагида, ҳар ярим йилда ёки йилига бир марта жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида, агар Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва жамият уставида ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, қарор қабул қилишга (эълон қилишга) ҳақлидир.

### Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор

Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори ҳамда уни тўлаш шакли тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик, шунингдек, жамият уставида дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивиденд тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

Дивиденд тўлаш тўғрисидаги қарорда дивиденд тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги бўйича дивиденд тўлаш тўғрисидаги қарор (эълон) тегишли давр тугаганидан сўнг икки ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Агар дивиденд тўлаш оқибатида акциядорлик жамиятининг молия-хўжалик аҳволи жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, дивиденд тўлаш таъқиқланади.

### Дивидендларни тўлаш тартиби қандай?

Дивидендлар жамият тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Муайян турдаги имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг махсус фондлари ҳисобидан тўланиши мумкин.

Дивиденд тўлаш муддати ва тартиби жамият уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивиденд тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Дивиденд биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларни сақловчиларга дивиденд тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивиденд тўлашни суд орқали талаб қилишлари мумкин. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаса ёки зарар кўриб ишлаган бўлса, имтиёзли акциялар бўйича дивиденд ана шу мақсад учун ташкил этилган жамият захира фонди ҳисобидан ва ана шу фонд доирасидагина тўланиши мумкин. Эгаси ёки унинг қонуний вориси ёхуд меросхўри даъво қилиш учун белгиланган муддатда талаб қилиб олмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан жамият ихтиёрида қолади.

Ўзбекистоннинг норезидент акциядорлари томонидан олинган дивидендларни эркин алмаштириладиган валютага айирбошлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Акциядорлар реестридан олинган, эмитент томонидан тасдиқланган кўчирмалар ҳамда тўланган дивидендлар суммаси ва улар ёзилган сана тўғрисида акциядорлик жамияти бухгалтерияси берган маълумотнома айирбошлаш учун асос бўлади.

### Дивидендлар тўлаш мумкин бўладиган акциялар

Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

Давлат корхоналарини қайта тузиш натижасида ташкил этилган акциядорлик жамиятларида дивидендлар устав фондининг бошланғич миқдорига мувофиқ тарзда, мавжуд акцияларнинг тўла суммаси бўйича, акцияларнинг давлатга тегишли, ҳақи тўланиши тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган пайтда сотилмай қолган қисмини ҳам ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

### Тўланмаган ва олинмаган дивидендлар

Эмитент акциядорларнинг умумий йиғилиши белгилаган муддатларда дивидендларни ўз айби билан тўламаган тақдирда тўланмаган ва тўлиқ олинмаган дивидендлар юзасидан Марказий банк белгилаган такрор молиялаш ставкалари бўйича пеня ёзилади.

Акциядорлик жамияти эълон қилган дивидендларни тўлашни акциядор суд тартибида талаб қилишга ҳақлидир. Рад этилган тақдирда, жамиятга нисбатан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот бўлган деб эълон қилиш тадбири қўлланади.

### Дивидендлар тўлашдаги чеклашлар

Жамият:

жамият устав фондининг ҳаммаси тўлаб бўлингунча;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) белгилари бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида жамиятда шундай белгилар пайдо бўлса;

жамият соф активларининг қиймати унинг устав ва захира фондлари суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.



### Дивидендлар тўланиши ҳақида акциядорларни хабардор қилиш

Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Очиқ акциядорлик жамияти тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилади. Агар мижознинг топшириғига биноан акциялар қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси томонидан бошқарилаётган бўлса, акцияларни сақловчига дивидендлар қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси ҳақини чегириб ташлаган ҳолда тўланади, бу ҳақ мижоз билан тузилган шартномада белгилаб қўйилади.

### Дивидендларни солиққа тортиш мумкинми?

Ҳа. Дивидендлар қонун ҳужжатларига мувофиқ солиққа тортилади.

Давлат қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида дивидендлардан солиқ олишда вақтинчалик имтиёзлар белгилаши мумкин.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**

# Сурайё

ХИКОЯ

Бу воқеани эласам хаёлимга ўзим кўрмаган Сурайё келади.

...Тошкентда университетни битириб Марғилонда ишлай бошлаган кезларим Фарғонада ўқийдиган ҳамқишлоқларим олдига бориб турардим. Бир гал борганимда сентябр охирлаб қолганди. Ётоқхонага кирсам таниш эшик қулф. Ҳафсалам пир бўлиб эндигина қайтмоқчи эдим, қўшни хонадан бир қиз чиқиб қолди.

— Сизга ким керак эди? Кеча ҳамма пахтага кетди. Фақат бешинчи курслар қолган, — деди у.

— Қаерга кетишди?

— Келинг, хонага кириб туринг, билиб бераман.

Ичкарида чиройли бир қиз ўтирарди.

— Марғилонликмисиз?

— Қандай билдингиз? — ажабланди қиз.

— Кийинишингиздан, — дедим унинг эгнидаги ял-ял ёниб турган атлас кўйлагига, бошидаги гулдор ироқи дўпписига ишора қилиб. Сўнг шўхлигим тутди:

— Кўзларингиздан ҳам.

У хиёл бош кўтарди. Шаҳло кўзлари дардчил эди. Ҳазилимдан хижолат чекдим ва чурқ этмай ўтиравердим. Дугонаси келиб менга манзилни айтди. Раҳмат деб қўзғолдим.

— Мен ҳам кета қолай, — қиз ўрнидан турди.

— Вой, намунча?! — дугонаси елка қисди. — Бошинг келиб оёғинг кетадими? Тузукроқ гаплашолмадик ҳам. Боя бир гап айтмоқчийдинг шекилли...

— Кейин, — у беҳол қўл силтаб, каравотда турган сумкасини олди. Бирин-кетин кўчага чиқдик. Автобус бекатида турарканмиз, «Йўлимиз бир экан» дедим гап тополмай.

— Сиз ҳам Марғилонгами? — у мени энди кўраётгандек синчков қаради. — Марғилонликка ўхшамайсиз.

— Ишга келганман.

Автобусда анчагача жим кетгач, у менга ялт этиб қараб, дабдурустдан:

— Сизга ишонса бўладими? — деди.

Ҳайрон қолдим. Унинг маъюс кўзларидаги дард кучайган, салга йиғлаб юборай деб турарди.

— Агар сизга айтмасам ҳозир юрагим тарс ёрилиб кетади. Ҳаммасини дугонамга айтиб кўнглимни бўшатмоқчийдим. Ётоқхонага ҳам атайин шунга боргандим... Айтолмадим. Агар вақтингиз бўлса вокзалга тушсак...

Таажжубим ошди. Автобусдан тушдик.

— Бугун пайшанба, тўрт кун бўлаяпти, — деди у хўрсиниб. — Отамнинг дағдағасидан аямнинг жигар-бағри эзилиб кетди. Синглим якшанба куни тунда бир йигит билан кетиб қолди. Қарайлик-чи, ўша куни қаерларга поезд ўтган экан?

Жадвални кўздан кечирарканмиз, «У томонларда фалон қариндошимиз бор, бу томонларда пистон қариндошимиз бор, балки ўша ёққа кетгандир?» деб бир-икки жойнинг номини тилга олиб қўйди. Қайтаётганда эса:

— Эшикка сира оёғим тортмаяпти, — деди пичирлаб. — Уйимиз гўё дўзах! Остонадан ҳатлашга юрагим бетламайди. Мен ҳам бор-е деб ҳаммасига қўл силтаб кетворай дейман-у андиша қиламан. Ўзбекчилик, мусулмончилик, яна аямни ўйлайман.

— Юринг, бироз айланайлик.

— Майли.

Унинг рози бўлганидан баттар ҳайрон қолдим.

Марғилоннинг донғи кетган Охунбобоев боғида холироқ ўриндиқ топиб ўтирдик.

Қиз ҳикоясини бошлади.

— Барига отамнинг хурмача қилиқлари сабаб. Тўрт йил бурун — мен институтга кирган йили ҳаммаси яхши эди. Отам автобазада шофёрлик қиларди. Топиш-тутиши ҳам, обрўси ҳам дуруст, оиламиз тинч, рўзғоримиз бут эди. Ўша йили хонадонимизда бешинчи фарзанд туғилди. У ҳам отамнинг истагига қарши қиз бўлгач, бирдан ўзгарди-қолди. Баъзан чойхонадан ичиб келадиган одат чиқарди. Шундай кунларда «Ҳадеб қиз туғаверасан» деб аямни урадиган, жанжал кўтарадиган бўлди. Кейин... бу ҳол одатга айланди. Бечора аям тишини тишига қўйиб барига чидарди. Отам қаттиқ маст бўлиб келганда эртасига ишга ҳам бормасди. Секин-аста маҳаллада ҳам, ишхонада ҳам обрўси йўқолди. Насиҳат қилмаган одам қолмади, лекин тузалмади, охири ишдан бўшатишди. Тағин бир-икки жойга ишга кириб, яна ичкиликни деб у ерлардан ҳам ҳайдалди. Бутун Марғилонда кимсан Шариф пиён, Шариф алкаш! Бирор жойга ишга олмай қўйишди. Маҳалладагилар, қариндошлар гапира-гапира охири сувюқмас отамдан юз ўгиришди. Икки йилдан буён ишламайди, аммо ичишни канда қилмайди. Ичиш учун эса пул керак! Аямнинг ойлиги, Сурайёники рўзғор тебратишга бемалол етарди. Мен ҳам стипендиямдан орттирсам орттираманки, уйдан бир тийин олмайман. Кейин бўш пайтларимизда тиккан дўппиларнинг пули... Хуллас, бировдан кам яшамасдик. Аммо отам... пешона теримиз билан топган пулларни ичкиликка совуради.

Аям бир кун пул бермаса, уйимиздаги ёлғиз соғин сигирни бозорга етаклайди, ҳаммангни уйдан қуваман, ўлдираман, уйга ўт қўяман деб дағдағасини бошлайди. Пул олмаса, айтганларини қилишдан ҳам тоймайди...

Синглим Сурайё ўша оқшом анча вақтгача чироқни ўчирмай ўйчан ўтирди. Эндигина кўзларим илинган экан.

— Опа, ухламадингми? — дея сўраб қолди у бир маҳал.

— Нимайди? — дедим кўзларимни ишқалаб.

— Пича гаплашмоқчийдим.

— Тағин орзуларинг ҳақидами? — дедим.

У кўп нарсаларни орзу қиларди. Ҳаётнинг хаёлдагидек покиза бўлишини хоҳларди. Хаёлпараст эди. Бу йил ўн саккизга кираётган, ой деса ойдай, кун деса кундай ҳусни бор эди.

— Йўқ, бу гал бошқа нарсалар ҳақида, — деди у жиддий. — Яқинда Саид Аҳмаднинг «Қирқ бешинчи кун»ини қайта ўқиб чиқдим. Лутфинисо Азизхон билан қочиб боплаган экан. Биласанми, опа, қочиб кетишига уларни нима мажбур қилган?

Ўйланиб қолдим...

— Муҳит! — деди у.

— Қочишгани учун тақдирлари фожиа билан тугади-ку!

— Э, опа, у замонлар бошқа эди. Ҳозир ҳар ким ўз тақдири учун ўзи курашади, тақдирини ўзи яратади.

Кейин ухлаб қолибман. Эрталаб уйғонсам Сурайё йўқ. Ҳатто ўрин солинмаган. Шошиб токчага қарадим: у ҳужжатларини сақлаб юрадиган чамадонча ҳам кўринмайди. Кўнглимга ғулғула тушди. Стол устида эса унинг кундалигидан йиртилган бир саҳифа ётарди. Мана у, сумкамда олиб юрибман. Нималарни езибди денг, бечора сингдим... Ўзингиз ўқий қолинг.

«Тун зулмати тобора қуюқлашмоқда, худди бизнинг уйимиздаги муҳитга ўхшаб. Ҳамма уйқуда, опам ҳам. Балки у орзулари ҳақида ширин-ширин тушлар кўраётгандир. Ҳа, бу уйда фақат тушдагина эзгу нарсаларни кўриш мумкин. Аям-чи! У ҳам кун бўйи чеккан заҳматларидан қутулиб ором олаётгандир. Йўқ-йўқ, ором қайда? Отам тузалмас экан, аямга ўнгида ҳам, тушида ҳам тинчлик йўқ бу уйда. Эҳ, бу кеча мен ҳам унинг шундоқ ҳам чексиз аламлари ёнига тағин қанча-қанча ташвиш қўшаман-а. Даҳшат! Она дардини олиш ўрнига унинг дардига дард қўшсанг! Лекин нима қилай? Қиз бола бошимни қай остонага урай! Юрагим қон, кўзларимда ёш билан ёзаяпман буларни. Сабрнинг ҳам чегараси бўларкан. Мени кечиринг, ая! Ҳаммасига бардош бериш, кўникиш учун эса одам телба, кўр, гунгу соқов бўлиши керак! Мени эса сиз кўр ҳам, соқов ҳам, телба ҳам қилиб туғмагансиз. Шундай бўлганда балки яхши бўлармиди, кўрмасдим ҳам, куймасдим ҳам. Андишанинг уйига ўт тушсин! Кетаяпман... Кетишим керак! Аяжон, қизим мени ўйламабди-да деманг... Ўйладим, кўп ўйладим. Бошқа чорасини тополмадим. Одамлар нима дейди дерсиз. Одамларнинг оғзи полвон, тиллари узун, гапиришади. Бундай гапларга қулоқ солманг, ая! Андиша қилиб қисматга қул бўлиб қололмайман. Яшириб нима қилай, Раҳимжонни севаман! Кетмас эдим, аммо отамнинг совчиларга қилган муомаласидан сўнг... Сиз «Ҳали олдида опаси бор, ундан бурун узатсак одамлар гап қилади, озгина сабр қилинглар» дебсиз. Отам-чи? Ўйламай-нетмай «Ундай таги паст етимчага берадиган қизим йўқ, тенг-тенги билан, тезак қопи билан» депти. Ахир отасиз ўсган бўлса, Раҳимжонда не айб? Тағин менга ўшқирганичи: «Сен улфатим Жўрамадмарнинг ўғлига тегасан. Отасиям қассоб, ўзиям. Бошқани хаёл қилма! Унга сўз бериб қўйганман. Отанинг гапини айри қиладиганнинг ўлиги чиқади бу хонадондан». Ая! Бечора қизингизни тушунинг! Ҳар кунги жанжалдан, отамнинг уйга маст-аласт келишларидан безиб бўлдим.

Ая! Буёғига кўпам қайғураверманг! Бардам бўлинг! Ёлғон-яшиқ гапларга ишонманг! Мени енгилтакликда айбламанг! Бир кун қошингизга қайтаман!

Хайр! Аяжон!..

Сурайё. 23 сентябр 198... йил».

* * *

Ўша куни аям билан воқеани отамга қандай айтиш азобида кунни кеч қилдик. Кечқурун отам одатдагидек маст келди. Айтолмадик. Эртасига ҳам азонлаб чиқиб кетди, қай алпозда қайтиши ҳам маълум эди. Оқшом сўрига жой қилиб, эндигина бир пиёладан чой ичиб ўтиргандик, кўча эшиги тепки зарбидан тарақлаб очилди. Отам гандираклаганча кириб келди. Йўлакдаги сув тўла тунука чойнакни бир тепиб ағанатди, бақирганча сўридаги хонтахта устидаги идишларни ҳар томонга отиб синдирди, сўнг бизга хунук тикилди. Аямнинг ранги докадек оқариб кетди, кичик сингилларим қўрқувдан кўзларини пиёладек очганларича аямнинг пинжига суқилишди.

— Ҳаммангни... ҳаммангни ўлдираман! Битта қўймай, битта-битта! Манжалақилар! — дея аямнинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Сингилларим йиғлай бошлашди. — Қиз туғавердинг қаторлаштириб, кўриб қўй оқибатини, шарманда қилди, шармандa! Юзимга оёқ босди, тириклайин ўлдирди, ерга кўмди. Қандай бош кўтариб юраман! Қўлимга тушсин, соғ қолмайди! Худди ўша Нурхонни бўғизлагандек бўғизлайман. Токи у ҳам бутун Марғилонга ибрат бўлсин!

Отам бақира-бақира уйга кириб кетди. Аямнинг ҳам, бизнинг ҳам кўзларимиздан дувдув ёш оқарди.

— Эшитибди, — пичирлади аям орадаги совуқ жимликни бузиб. — Отангга қийин, ҳарна қилса-да, эр киши... Бегоналар оғзидан эшитгани ёмон бўлди-да. Қаерларда юрганийкан-а Сурайё!

— Эрта-индин дараги чиқиб қолар ёки ўзи келиб қолар, — дедим аямга таскин бериб.

— Йўқ, йўқ! Келмагани дуруст. Бўлар иш бўлди. Отангга шу жаҳли устида кўринса, айтганини қилишдан ҳам тоймайди. Ишқилиб, қаерда бўлса ҳам боши омон бўлсин!

Аям Сурайёни бир оғиз қораламади. Илгари ҳам доим уни «Энг эсли, фаросатли, чиройли қизим» дерди. У ростдан ҳам барчамиздан гўзал, ақлли эди. Ҳеч нарсадан тап тортмай фикрини очиқ айтарди. Отамга ҳам ичкиликни ташланг деб неча бор ялинганди. Ёлворишларидан наф бўлмагач, аям билан тортишиб қоларди.

— Газетага ёзиш керак! Тузалмаса, ичувчиларни тузатадиган касалхонага жўнатиш керак!

— Нималар деяпсан, жинни қиз, ўз отангни-я? Бунақа бўлмағур гапларни қалдангдан чиқариб ташла!

Сурайё кўп китоб ўқирди. Ўқиганлари тўғрисида тортишишни яхши кўрарди. Ўтган йили мактабни тугатди-ю, «Атлас» фирмасига ишга жойлашди, кейин пединститутнинг тил-адабиёт факултетига сиртдан кириб олди. Ишлаб туриб ўқийман, опам кундузгида ўқияпти-ю, деб шундай қилди. Армияга кетган Раҳимжондан хат олиб турарди. Яқинда у келганди. Унинг совчиларига отам совуқ муомала қилгач...

* * *

Муҳайё ҳикоясини тугатганда кўзлари жиққа ёш эди. Унга дурустроқ тасалли ҳам бера олмадим. У кетишини айтиб қўзғолди. Боғ дарвозаси олдига етканимизда менга қараб:

— Шу ерда хайрлашайлик, — деди.

— Кузатиб қўяман.

— Кераги йўқ! Шундоқ ҳам дардимни тинглаганингиз учун раҳмат.

— Бошқа кўришмаймизми?

— Ҳожати йўқ, — у кўз ёшларини артиб, хафа бўлманг дегандек хиёл жилмайди. — Хайр.

— Балки синглингиз ҳақида эртага бирор яхши хабар келиб қолар...

— Майли, иложини топсам эртага соат бешларда шу ерга бир келиб кетарман.

Эртасига боғ дарвозаси олдида уни кутдим. Келишига жуда ишонгандим. Лекин у келмади. Фақат рўпарамда ўн-ўн икки ёшлар чамасидаги бир бола пайдо бўлдида, «Муҳайё опамдан» деганча қўлимга буклоғли бир хат тутқазиб, чопиб кетди. Унга бир оғиз гапиришга ҳам улгурмадим.

«Кеча уйга келгач, қилган ишимдан минг пушаймон бўлдим. Нима бўлди ўзи менга? Умримда биринчи марта кўрган нотаниш одамга нималар деб валдирамадим-а. Ўзимдан нафратланиб кетаяпман. Қайси инсон ўз отасини дуч келган одамга ёмонлайди? Мен аҳмоқкина эмас, фаросатсиз ҳам эканман. Бу қилмишимни аям билса, оиламизнинг донғини ҳар жойда достон қилиб юрибсанми, деб эзиларди.

Сиздан илтимос, кечаги гапларимни унутинг. Бу ҳақда иккимиздан бошқа ҳеч ким билмасин, эслаб ҳам, бировга гапириб ҳам юрманг! Ўйлайманки, сиз мени тўғри тушунасиз. Вақтингизни олганим учун узр (шу ерга етганда хатнинг тўрт қатори устидан ўқиб бўлмас қилиб чизиб ташланган эди).

Сиздан сўнгги ўтинчим, мени изламанг, ётоқхонадан ҳам суриштириб юрманг. Жуда кўп нарсаларга шубҳа билан қарайдиган, қўрқоқ бўлиб қолганман. Кечаги дадиллигим ва бугунги қўрқоқлигим орасида ер билан осмонча фарқ борлигидан ажабланманг. Кеча мени нима мажбур қилди, билмайман, балки бу ўзим ҳам англашим мушкул бўлган ҳолатдир, балки сизнинг кўзларингиздаги кишига ҳамдард боқувчи яширин меҳр сабабчидир...

Хайр. Синглимнинг дараги чиққан бахтли кунлар келганда сизни эслаб юраман.

Илтимос, хатни ўқигач йиртиб ташланг!

Муҳайё».

* * *

Тошкентга кетадиган бўлдим. Муҳайё билан қайта учрашиш насиб қилмади. Аммо ўша воқеа ҳамиша менга Сурайёни эслатади.

**Адҳам ДАМИН**

## Китоб жавонингизга




***Дунёни ҳар бир инсон ўзига хос кўради. Математик тарзда ҳис қилган нарсадан бастакор мусиқий оҳанглар туюши мумкин. Рассом борликни ўз тасаввури ҳосиласи бўлмиш рангларда кўрса, шоир уни ўзгача сўзларда, тимсолларда ифодалайди. Ҳа, чегарасиз оламнинг таассуротлари-да чексиздир. Фикрингизни теранлаштирувчи, туйғунгизни ўткирлаштирувчи шеърлар мутолаа қилганингизда мана шу ниҳоясизликдан яна нимадир топгандек бўласиз. Яхши шеър таъсирида китобхон кайфиятида бетизгин ўзгаришлар содир бўлиши табиий.***

# Сулув сўзлар ошиғи

Бугунги ўзбек шеъриятида янгиликка интилувчи шоирларнинг кўпаяётгани кишини қувонтиради. Муҳаммад Ғаффор шундай ижодкорлардан биридир. Шоирнинг «Чўмилаётган дарё» («Зарафшон», 2005), «Қора табассум» (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2006) тўпламларининг номиёқ эътиборни тортади. «Дарё чўмилиши мумкинми?» ёки «Қора табассум қанақа бўларкан?» сингари фикрлар ўқувчи хаёлига келиши шубҳасиз. Бу — шоирнинг сўзлар маъно товланишларидаги қарама-қаршиликларда ҳам ички уйғунлик сезишининг нишонаси бўлса ажаб эмас. Муҳаммад Ғаффор шеърларини ўқиганингиз сари бу каби мисолларга дуч келаверасиз:

***Юлдузларни симираман,***
***Қирралари жисмимни тилади,***
***Ой оғзини юмиб кулади.***
***Кулади.***

Зоҳиран бундай бўлмаслиги аниқ. Лекин шоир шундай бир ҳолатни, инсоний кайфиятни тасвирлаяптики, ойга масхара бўлишни ўйламайди. У юлдузларни симириши керак. Шундагина кўнгил бироз таскин топиши мумкин. Зотан, кўнгилдаги кечинма ифодаси муҳим.

***Соямга қарайман,***
***У ҳам мендан***
***Юзини ўгириб олган.***

Бунингдек сатрлар ҳеч бир изоҳсиз ҳис қилинади. Ҳиссиёт орқалигина моҳияти англашилади. Замонавий шеъриятимиздаги изланишлар ҳақида сўз кетганда модерн, постмодерн йўналишлар хусусида айтиб ўтиш даркор. Мен бу борада мунозара қилмоқчимасман. Адабиётда шаклий ишланишлар бўлган ва ҳамиша бўлади деган фикрни эслатишни жоиз билдим холос. Қолаверса, Муҳаммад Ғаффор янгиликка интилувчан, модернист шоирлиги учун ҳам бу муҳим. Кенгликларни кўзларига сиғдира олмаган шоир кўнглига сиғдиради. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Ғаффор шеърлари ҳажман ихчам бўлса-да, ички кенгликка, теранликка эга. «Кўзларимда ямоқ бор. У сен қолдирган из — хиёнат...» сингари кўплаб мисраларни далил келтириш мумкин. Шунда шеърлар рангинлигини чуқурроқ ҳис қиламиз. Улкан бир мамлакатни биттагина сўз билан асир олишга ишонган шоир сўзнинг қадрига етиб ишлатади, қисқаликда улуғворликни кўради. Шеърларининг миттилиги шундандир балким. Ихчамликка эришган шоир кутилмаган ташбеҳлар топиб шеърларини оҳорлайди. «Ҳилол — янги тушган келинчак отасиникига кетиб борар», «Ялтираб ётган денгиз аждаҳонинг ёлига ўхшар» ёки «Ярғини ёмғирда ивиган кўнгил», «Сизни кўриб кўзим ҳаром бўлди» мисраларида улкан бадиий юк бор. Шоирдаги ўзига хос тасвир, ифода услуби сарбастларидагина эмас, анъанавий йўлда ёзилган шеърларида ҳам яққол сезилиб туради:

***Санчилган армонни суғуриб олдим***
***Кўнглимнинг қизғалдоқ соҳилларидан.***
***Руҳимнинг ортидан эргашиб толдим,***
***Қутулмадим дунёнинг бахилларидан.***

Шоирнинг кўпгина шеърларига сарлавҳа қўймаслиги китобхонни шеър мазмунидан келиб чиқиб ўйлашга ундайди. Гоҳо Муҳаммад Ғаффор ҳам «суюб қолган» сўзини кўпроқ ишлатади (масалан, симириб) ва такаллуфсиз ишоралар беради. Ҳар қандай шоир ижодида мусбату манфий томонлар бўлишига одатий ҳол сифатида қараш керак. Умуман олганда, Муҳаммад Ғаффор ўз устида ишлайдиган, изланишдан зерикмайдиган шоир. Унинг бошқаларникига ўхшамаган оҳанги, шеърий овози бор. Шоир ўзлигини унутмаса, бу овоз сарбаланд бўлаверади.

**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,**
**адабиётшунос**

## Ватан ичра сайр

# Мўъжизага тўла қишлоқ

***Адир бағрида жойлашган Сортўлди қишлоғини овул десак ҳам бўлади. Чунки унда ўн-ўн беш чоғли уй бор холос. Ҳув, газадаги уй Райҳон чўпонники. У Ҳуррам бобо оламдан ўтгач, эл кайвонилигини бўйнига олган. Ўзи гурунгбоз одам. Умри сурув ортида кечган бўлса-да, кўп гаплардан хабари бор дейишади. Бир пиёла чой баҳона чўпон бобо сўз айтди, биз тингладик.***

### Сортўлди

— Бизнинг қишлоқ пайдо бўлганига учтўрт аср бўлган;ов. Отам раҳматлининг айтишича, бир пайтлар бу ўрага қозоқ чўпонлари келиб, ўтов қуришган экан. Қишлоқ номининг келиб чиқиши ҳам шунга боғлиқ. Сортўлди уларнинг тилида ўзбеклар кўпайди деган маънони берган.

Айтишларича, бу қишлоқ аҳли Тонгот, Боймат, Аймат деган уч ака-ука қўйчивондан тарқаган экан.

Қишлоғимиз одамлари азалдан чорвадор бўлган, бой-бадавлат яшаган, ҳар бирининг сурув-сурув қўй-эчкиси, сигир-бузоғи, от-туяси бўлган. Ўтовидан меҳмон аримаган, йигитлари чавандоз, полвон бўлган.

Аёллари ҳам от миниб қўй боққан, сут соғишган. Бухорога ўтган карвонлар шу манзилда ҳордиқ чиқарган.

### Орият

— Бу элда чор тарафга машҳур Шоди элбеги, Ҳайит оқсоқол, Юсуфбой деган сахий ва ишбилармон, раият учун жон куйдирадиган улуғлар яшаган.

Бир куни ўлим тўшагида ётган Шоди элбегига уни қўшни қишлоқдан азалдан ёвлашиб юрган ғанимлари сўраб келишаётганини айтишибди.

Шунда Элбеги яқинларини чақириб, зудлик билан қўй сўйиб, тўй бошланглар деб тайинлабди. Ўзи эса қаердандир куч-қувват топиб, ўрнидан туриб ва янги кийимларини кийганча, уйнинг тўрига чиқиб ўтиради. Кутилмаган меҳмонлар келишгач, улар билан роса меҳмондорчилик қилган. Ғанимлар Шоди элбегининг бетоблигига ишонишмай, охири қайтиб кетишган. Азалий ғанимлар қайтиб, тепадан ўтгачгина Шоди элбегининг жони узилган. Бу қишлоқда ғанимларига ночор ҳолда кўриниш-дан ор қилиб, ҳатто ўлим тўшагидан туришга куч топа олган мард ва ориятли ана шундай боболаримиз яшаган.

### Адолатни деб...

— Қишлоқда адолатпарварлиги ва донолиги билан ўз даврида Бухорода ном қозонган Махматмурод қози деган киши яшаб ўтган. У киши Мирараб мадрасасида узоқ йиллар таҳсил олиб, қозилик мартабасига эришган, адолатсизлик ва

ҳақсизликка қарши қўлидан келгунча курашган. Адолатпеша қозининг бу хатти-ҳаракати кимларгадир ёқмайди ва унга қарши фитналар уюштиради. Охир-оқибатда қози шаҳардаги уй-жойидан, мол-мулкидан кечиб, шу олис қишлоққа келиб, умргузаронлик қилган ва қишлоқ болаларига илм ўргатган.

### Қушлар билан тиллашган шоир

— Бу гўшада Отамурод шоир деган бахши яшаб ўтган. У киши дўмбира чертиб ўлан бошлаганда осмонда учиб бораётган тўрғайлар ҳам сайрамай қўйишаркан. У ўтган асрнинг етмишинчи йилларида шаҳардан ташриф буюрган ёзувчи-шоирлар ҳам Отамурод бахшининг ижросини эшитиш учун ҳафталаб меҳмон бўлишаркан. Ўша пайтларда Отамурод бахши ҳам ёш, ҳам ҳозиргидек ҳазилкаш, ҳозиржавоб, ҳаётдан ҳам, ҳунардан ҳам кўп нарсани ўрганган, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам кулдирадиган, ҳаётбахш ҳазил-мутойибаларга бой, ширинсухан йигит эди. Ҳар ҳафта ёзувчилар ташриф буюрганда Отамурод бахши ҳам ўзининг янги ўланларини куйлаб берар, ёзувчилар ҳам ўзларининг янги асарларини ўқиб беришарди. Ана шундай ижодий учрашувларнинг бирида Отамурод бахши ёзувчилар ҳузурида ўзининг «Қушлар ўлани»ни куйлаб берган экан. Ўлонда қушларнинг ҳаёт тарзи, ҳаракатлари, ўзаро муносабатлари, ҳатто ҳар бир қушнинг ўзига хос овози ҳам ўз ифодасини топган. Ўлон ёзувчилар ўртасида катта қизиқиш уйғотган. Ёзувчилар Отамурод бахшини ўлонни ёзиб олишга ундашган. Шундан сўнг Отамурод бахши ўлонни ёзиб олиш учун Тошкентга борган. Ўлонни ёзиб олишда ёзувчи Ҳамид Исмоилов ва шоир Ғафур Ғулом ҳам иштирок этишган. Ўлон ёзиб олингач, Ғафур Ғулом ўлонни ўзбек тилига ўгирган. Ўлон ўзбек ва рус тилларида нашр этилган. Ўлонга Ғафур Ғулом ёзган сўзбошида Отамурод бахши ҳақида: «Ўзбекистоннинг Қашқадарё вилоятидаги Қамаши туманида яшовчи Отамурод Ҳайитов ўзининг ижодий қобилияти, ҳозиржавоблиги, ҳаётбахш ҳазил-мутойибаларга бойлиги билан ажралиб туради. Ўлонларни ёзиб олиш учун Тошкентга келганида ҳам, ёзиб олиш жараёнида ҳам, ёзиб олиш тугаганидан кейин ҳам у ҳамма вақт ҳазилкашлик қилиб, ҳаммани кулдирар эди. Ҳатто ўлонларни ёзиб олиш учун ёзувчилар ўртасида ўтказилган ҳайрлашув кечасида ҳам у ҳаммани кулдирди.

Ishonch

2010-yil 22-iyul № 87-88 (2813)

Ўтмишдан ўгитлар

# Ибн Сино ва Маъмун академияси

***XI асрда Хоразм Бухорога нисбатан анча тинч, фан, маданиятга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, Хоразмшоҳ Али ибн Маъмун (997-1009) саройига олим ва фозил кишилар йиғилган эди. Араб тарихчиси ва географи Ёқут Хамавий «Муъжал ул-булдон» («Мамлакатлар луғати») ва «Муъжан ал-удабо» («Адиблар қомуси») асарида 60 дан зиёд олим ва адиб рўйхатини келтиради.***

Бухородаги сиёсий беқарорликдан чарчаган Абу Али ибн Сино Хоразмга паноҳ истаб келади. Ибн Сино шаҳарга фиққшунослар либосини кийиб боради. У пайтда қонуншунослар кийимида юрган одамга ҳурмат-эътибор билан қаралган. Ибн Сино Гурганч шаҳрига етиб келиши билан тўғри амир ҳузурига киради. Амир уни яхши қабул қилади ва етарли миқдорда ойлик маош тайинлайди. Улуғ ҳакимнинг Хоразмга келган йили ҳақида аниқ маълумот йўқ. Айрим манбаларда 1005 йил деб кўрсатилган.

Муҳаммад Тоҳир ибн Абулқосим қаламига мансуб «Ажойиб ат-табақот» номли асарда қуйидаги маълумот берилган: «Абу Али ибн Абдуллоҳ ибн Сино йигирма тўрт ёшида ақлий, нақлий ва риёзий илмларнинг ҳаммасидан хабардор бўлиб, Бухорода олимлар билан тортишиб, уларни мот қилган. Кейин Хоразмга бориб, етти йил давомида у ерда дарс ўқитди. Кейин эса у ердан Журжонга борди».

Ибн Сино Хоразмда кўп олим-у фузалолар билан суҳбатда бўлади. Унинг, айниқса, Беруний билан муносабатлари аъло даражада бўлиб, Беруний ва ибн Сино ўртасида 998-999 йиллари ёзишмалар бўлган. Бу ҳақда тарихий манбаларда маълумотлар мавжуд ва айримлари ҳозирги кунгача етиб келган. Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида ҳам айрим масалалар юзасидан фикр юритганида ўша ёзишмаларга мурожаат қилишни эслатиб ўтган.

...Ибн Сино Ғазна ҳукмдори ҳаракатларини олдиндан сезиб, Хоразмдан чиқиб кетади. Маҳмуд Ғазнавий Хоразм ҳукмдорига олимларни Ғазнага юборишни буюради. Олимларнинг кўпчилиги Ғазнага бориб, у ерда илмий фаолиятини давом эттиради. Аммо ибн Сино буни истамайди ва Масиҳий билан 1011 йилда Хоразмни тарк этади.

Ҳукмдорларнинг ўзаро урушлари ҳамиша илм-фан, адабиёт, санъат, ишлаб чиқариш ривожига салбий таъсир кўрсатган. Эҳтимол, ўша пайтда Маъмун академияси олимлари тарқалиб кетмаганда, инсоният ҳаётига янада кўпроқ янгиликлар киритилган бўлармиди? Инсонлар қандай яшаб ўтиши кераклиги ҳақида Абу Али ибн Сино «Ҳикмат булоқлари» рисоласида: «Одамлар фақатгина ўзи учун яшамасдан, бошқалар ва жамоат ҳамда унинг манфаати учун яшашга интилиши керак. Инсонда меҳнатга муҳаббат, яхши ахлоқий сифатлар ва ҳалоллик доимо устун туриши керак», — деб ёзган эди. Бу дурдона фикрлар инсониятнинг доимий шиори бўлмоғи лозим.

**Ю.РАҲМОНОВА,**
**Урганч давлат университети ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди**

*Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани Юсуфхона қишлоғида жойлашган «Чотқол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Чотқол дўстларни чорлайди» номли анъанавий болалар ижодиёти фестивали ўтказилди. Баркамол авлод йилига бағишланган санъат байрами ўзига хос файзу таровати билан барчага завқ-шавқ бағишлади. Унда қўшни оромгоҳлардан ҳам болалар иштирок этиб, ўзларининг куй-қўшиқлари, рақсларини намойиш этишди.*

**Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар**

## Танлов

***Кейинги йилларда «Ўзбекэнерго» ДАК тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда ишлаётган ёшлар ўртасида кўплаб танловлар уюштирилмоқда. 29 июндан 1 июлга қадар шундай танлов «Баркамол авлод: энг буюк, энг муқаддас вазифамиздир» шиори остида Самарқанд шаҳрида ўтказилди. Унда Самарқанд, Жиззах, Навоий электр тармоқлари, Жанубий-ғарбий ва Жанубий магистрал электр тармоқлари, Тошкент иссиқлик электр маркази, Тахиатош, Ангрен, Навоий иссиқлик электр станцияларининг иқтидорли ёшлари иштирок этди.***

## Эзгу мақсад

Ҳамид Олимжон номидаги драма театрида танловнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Анжуманни «Ўзбекэнерго» ДАК бошқаруви раисининг ўринбосари Р.Райимов очиб берди.

Шундан кейин иштирокчилар «Қувноқлар ва зукколар» танловида маҳоратларини синашди. Унда Тахиатош иссиқлик электр станцияси ёшлари 1-ўринни эгаллади.

Кейинги куни республикамизнинг тарихий саналари, меҳнатни муҳофаза қилиш, энергетикага тегишли қонунлар ҳамда Ўзбекистон мутафаккир-ёзувчиларининг асарлари ҳақидаги саволларга энг кўп ва аниқ жавоб берган Навоий иссиқлик энергия станцияси ёшлари ғолибликни қўлга киритди.

Анжуманнинг охирги куни минифутбол бўйича куч синашилди. Ғолиблик Жанубий магистрал электр тармоқлари ёшларига насиб этди.

Учрашув сўнгида ғолиблар ва иштирокчилар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

«Ўзбекэнерго» ДАК бошқарма бошлиғи Б.Нурматов ўз таассуротлари билан ўртоқлашди:

— Мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш, ёшларни соҳадаги янгиликлардан хабардор қилиш мақсадида ўтказилган тадбир кутилгандан ҳам зиёд самара берди.

**Р.ЗУЛПАНОВ,**
**«Самарқанд электр тармоқлари» ОАЖ касаба уюшма кўмитаси раиси**

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилояти бўйича вакиллиги жамоаси Хоразм вилоят Давлат солиқ бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси Хайитбой Уриновга ўғли

**БАҲРОМ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши жамоаси Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Соғиндиқ Ниетуллаевга опаси

**МАҒРИФА аянинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

---

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашма кенгаши жамоаси кенгаш раиси Соғиндиқ Ниетуллаевга опаси

**МАҒРИФА аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.


## «Respublika Mulk-Auksioni» ДК очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

1. 2010 йил 23 август куни соат 15.00 дан бошлаб бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидаги очиқ аукцион савдосига мерос қилиб қолдириш ва умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан фуқароларга деҳқон хўжалик юритиш ва якка тартибда уй-жой қуриш учун хусусий мулк сифатида, Қибрай тумани хокимлигига қарашли бўлган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оқ-қовоқ Қ.Ф.Й, Ўзбекистон ўсимликлар институти ҳудудида жойлашган сатҳи 0,04 гектардан иборат 1, 2, 3 рақамли ер майдонлари қўйилади. Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси 1 103 936 сўм. Ушбу куни сотилмаган ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар пайшанба куни ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагини билдирган жисмоний шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаб объект бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини қўйида кўрсатилган «Respublika Mulk-Auksioni» ДКнинг ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Талабгорлардан аризалар қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

2. 2010 йил 24 август соат 15.00 дан бошлаб бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидаги очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади.

ИИВ Бирлашган тафтишиятига қарашли бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 408 СВА, ранги тўқ кўк бўлган «ДАМАС» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 4 750 000 сўм.

«O`ZVINOSANOAT-XOLDING» компаниясига қарашли бўлган қуйидаги автотранспорт воситалари: 1996 йил и/ч, ранги оқ, д/р 10AQ101 бўлган «ДЕУ Супер салон» русумли автотранспорт. Бошланғич баҳоси 5 128 500 сўм. 1997 йил и/ч, ранги оқ, д/р 10BF105 бўлган «ДЕУ Супер салон» русумли автотранспорт. Бошланғич баҳоси 5 128 500 сўм. 2002 йил и/ч, ранги оқ, д/р 10AN117 бўлган «ВАЗ-2107» русумли автотранспорт. Бошланғич баҳоси 2 588 400 сўм. Ушбу куни сотилмаган автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 31 август ҳамда 7 ва 14 сентябр кунлари ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагини билдирган юридик ва жисмоний шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаб объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини қуйида кўрсатилган «Respublika Mulk-Auksioni» Давлат корхонасининг ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.Талабгорлардан аризалар қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. «Respublika Mulk-Auksioni» ДКнинг банк реквизитлари: ХОАТБ «InfinBANK» МФО-01041, СТИР- 206761326, ҳисоб рақами 20210000804537599001.

**Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 1-қават чап қанотдаги савдолар зали. Телефон: 239-83-82 Факс: 150-34-46. Email: Info@mulk.uz**

## Respublika Mulk-Auksioni» ДК Бухоро вилоят филиали очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

2010 йил 23 август куни соат 12.30 да бўлиб ўтадиган бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси ҳисобидаги, 1994 йилда и/ч, «Jeep Cherokee» русумли, д/р 20 AH 495, ранги қизил бўлган автотранспорт. Бошланғич баҳоси 8 077 700 сўм. 1989 йилда и/ч, «Jeep Cherokee» русумли, транзит рақами 10 I 0897, ранги қора бўлган автотранспорт. Бошланғич баҳоси 3 519 200 сўм. Шу куни соат 15:30 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига вилоят Ахборот-ресурс ҳисобидаги, 1986 и/ч, УАЗ-3303.01 русумли, д/р 94-48 БХП бўлган автотранспорт востаси қўйилади. Бошланғич баҳоси 250 000 сўм. Ушбу куни сотилмаган автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2010 йил 30 август ҳамда 6, 13 сентябр кунлари юқорида кўрсатиб ўтилган соатларда ўтказиб борилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагини билдирган юридик ва жисмоний шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаб объект бошланғич баҳосининг 25 (йигирма беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини Respublika Mulk-Auksioni» ДК Бухоро вилоят филиалининг МФО 00119, СТИР 206761329, «Ипотека банк» АТИБ «Сардор» филиали, 20210000204537599009 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади. Ариза қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

**Қўшимча маълумот олиш манзили: 200118, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 3-қават. Телефон:(8365) 223-69-62, факс: 770-04-01 E-mail: Bux_RMA_DK@inbox.ru**

## «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Қашқадарё вилоят филиали очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

2010 йил 24 август куни соат 11:00да бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдосига, мерос қилиб қолдириш шарти билан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун ер майдонининг сатҳи 600 кв. метрдан иборат бўлган қуйидаги ер майдонлари қўйилади.

Китоб тумани «Йўлдош» шаҳарча МФЙ ҳудудидан 131-133, 138, 139, 141, 170-177, 179, 181-207, 209, 211-222, 237-250 рақамли жами 68 та ер майдонлари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси 100 000 сўм.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдонларини сотиб олган харидорлар ер майдонининг сотилиш баҳосидан ташқари, Китоб тумани якка тартибда уй-жойларни мувофиқлаштириш бўлими ҳисоб рақамига 75658 сўм расмийлаштириш харажатлари учун ва Китоб тумани маҳаллий бюджетига энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида давлат божи тўлаб беришлари шарт.

Қарши тумани «Қоратепа» ҚФЙ, «Қоратепа» қишлоғи ҳудудидан № 23 ер майдони. Бошланғич баҳоси 400 000 сўм.

Ғузор тумани «Қуштепа» ҚФЙ, «Қуштепа» қишлоғи ҳудудидан 1, 2, 3, 6 рақамли жами 4 та ер майдонлари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси 50 000 сўм.

Ғузор тумани «Қуштепа» ҚФЙ, «Ярғунчи» қишлоғи ҳудудидан 5 дан 20 гача рақамли жами 16 та ер майдонлари. Ҳар бирининг бошланғич баҳоси 50 000 сўм.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдонларини сотиб олган харидорлар ер майдонининг сотилиш баҳосидан ташқари, Ғузор тумани якка тартибда уй-жойларни мувофиқлаштириш бўлими ҳисоб рақамига 115898 сўм расмийлаштириш харажатлари учун ва Ғузор тумани маҳаллий бюджетига энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида давлат божи тўлаб беришлари шарт. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) кун олдин (2010 йил 20 август, соат 18:00 да) тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган жисмоний шахслар закалат келишуви тузилганидан сўнг, объект бошланғич баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан кам бўлмаган миқдорда «Respublika Mulk-Auksioni» давлат корхонаси Қашқадарё вилояти филиалининг Қарши ш. «Микрокредит банк» даги (МФО 00152, ИНН 206761326) 20210000104537599018 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари шарт. Ушбу савдода сотилмай қолган объектлар бўйича такрорий Аукцион савдолари 2010 йил 31 август, 7 сентябр кунлари соат 11:00 да ўтказилади.

**Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси 3-уй. ВДМБ биноси, 7-қават. Телефон: 221-20-27. Факс: 771-00-10.**

## «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Наманган вилоят филиали очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Вилоят давлат мулки бошқармасининг тегишли буйруғига асосан 2010 йил август ойида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун, сотиш ҳуқуқисиз, якка тартибда уй-жой қуриш учун сатҳи 0,04 гектардан иборат қуйидаги ер майдонлари қўйилади.

1. 2010 йил 24 август куни соат 10.00дан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдосига, Янгиқўрғон шаҳарчаси ҳудудида жойлашган 1-25-сонли 25 та ва 68-81-сонли 14 та, жами 39 та ер майдони;

2. 2010 йил 31 август куни соат 10.00дан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдосига, Янгиқўрғон шаҳарчаси ҳудудида жойлашган 26-67-сонли 42 та ер майдони қўйилади.

2010 йил 24 август куни сотилмаган ер майдонларининг такрорий савдоси 31 август куни ўтказиладиган аукцион савдолари билан бирга ўтказилади, ушбу куни сотилмаган ер майдонларининг такрорий савдоси 7, 14 ва 21 сентябр кунлари соат 10-00дан бошлаб ўтказилади.

3. 2010 йил 26 август куни соат 10.00дан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдосига, Янгиқўрғон тумани Зарбдор ҚФЙ ҳудудидан 1-63-сонли 63 та ер майдони;

4. 2010 йил 2 сентябр куни соат 10.00дан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдосига, Янгиқўрғон тумани Зарбдор ҚФЙ ҳудудидан 78-127-сонли 50 та ер майдони;

5. 2010 йил 9 сентябр куни соат 10.00дан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдосига, Янгиқўрғон тумани Зарбдор ҚФЙ ҳудудидан 64-77-сонли 14 та, 128-145-сонли 18 та, жами 32 та ер майдони қўйилади. 2010 йил 26 август куни сотилмаган ер майдонларининг такрорий савдоси 2 сентябр куни ўтказиладиган аукцион савдолари билан бирга ўтказилади, мазкур куни сотилмаган ер майдонлари 9 сентябр куни ўтказиладиган аукцион савдолари билан бирга ўтказилади, ушбу куни сотилмаган ер майдонларининг такрорий савдолари 16, 23, 30 сентябр соат 10-00дан бошлаб ўтказилади. Янгиқўрғон туманидаги ер майдонларининг ҳар бирининг бошланғич баҳоси 54 720 сўм.

6. 2010 йил 25 август куни соат 10.00дан бошлаб ўтказиладиган аукцион савдосига Норин тумани Тўда ҚФЙ Отбозор маҳалласи ҳудудидан 1-10-сонли 10 та, Норин тумани Тўда ҚФЙ Сузокрвул маҳалласи ҳудудидан 11-18-сонли 8 та, Норин тумани қўрғонтепа ҚФЙ «Катта Ўлмас» массиви ҳудудидан 1-20-сонли 20 та, жами 38 та ер майдонлари қўйилади. Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси 200 000 сўм. Ушбу куни сотилмаган ер майдонларининг такрорий савдоси 8 ва 15 сентябр кунлари соат 10.00дан бошлаб ўтказилади.

7. 2010 йил 23 август куни соат 11.00дан бошлаб такрорий аукцион савдосига Косонсой тумани Намуна массиви «Ширин» ҚФЙ, Тақаранг қишлоғидаги 7 ва 20-сонли, 2 та ер майдони қўйилади. Ҳар бир ер майдоннинг бошланғич баҳоси 194 800 сўм. Ушбу куни сотилмаган ер майдонларининг такрорий савдоси 29 август куни соат 11.00дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагини билдирган юридик ва жисмоний шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаб объект бошланғич баҳосининг 50 (аллик) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Наманган вилоят филиалининг АТИБ «Ипотека банк» Наманган бўлимидаги МФО-00223, СТИР 206761326, 20210004045375990004 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Талабгорлардан аризалар мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 9.00дан 18.00га қадар Вилоят давлат мулки бошқармаси биносининг 15-хонасида қабул қилинади.

Янгиқўрғон шаҳарчаси ҳудудидаги ер майдонлари бўйича талабгорлардан аризалар, мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳар душанба куни 10.00дан 17.00гача шаҳарча фуқаролар йиғини биносида қабул қилинади.

Янгиқўрғон тумани Зарбдор ҚФЙдаги ер майдонлари бўйича талабгорлардан аризалар, мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳар пайшанба куни 10.00дан 17.00гача Зарбдор ҚФЙ биносида қабул қилинади. Талабгорлардан аризалар қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади. Янгиқўрғон шаҳарчаси ҳудудидаги ер майдонлари бўйича аукцион савдолари туман Маданият саройи биносида, Янгиқўрғон тумани Зарбдор ҚФЙ ҳудудидаги ер майдонлари бўйича аукцион савдолари тумандаги озиқ овқат коллежи биносида, қолган ер майдонлари бўйича аукцион савдолари Наманган шаҳар, Банк кўчаси 9-уйда, Вилоят давлат мулки бошқармаси биносининг мажлислар залида ўтказилади.

**Қўшимча маълумотлар олиш манзили: «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Наманган вилоят филиали, Наманган шаҳри Банк кўчаси 9-уй (Вилоят давлат мулки бошқармаси биноси, 1-қават 15-хона), тел: 226-41-66, факс: 223-04-01.**

## «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Навоий вилоят филиали очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

2010 йил 24 август соат 10.00 дан бошлаб бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидаги очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади.

1. Навоий шаҳрида жойлашган Навоий вилоят Иқтисодиёт бошқармасига қарашли 2000 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 21 NV 080, ранги оқ бўлган «Нексия» русумли техник носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 1 411 300 сўм.

2. Навоий шаҳрида жойлашган Навоий вилояти ҳокимлигига қарашли 1997 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 21 NV 212, ранги оқ бўлган «ГАЗ-3110»русумли техник носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси 1 300 000 сўм.

Аукцион савдоси Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уйда жойлашган Навоий вилоят Давлат мулкини бошқариш бошқармасининг мажлислар залида ўтказилади. Ушбу куни сотилмай қолган автотранспорт воситаларининг такрорий савдоси юқорида кўрсатилган манзилда 7, 14, 21, 28 сентябр ва 5,12,19,26 октябр кунлари соат 10.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагини билдирган юридик ва жисмоний шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаб, объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Навоий вилоят филиалининг АТИБ «Ипотека» банки Навоий вилоят филиалининг МФО:00205, СТИР:206761326, 20210000204537599020 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 09.00дан 18.00гача Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уйда қабул қилинади. Талабгорлардан аризалар қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

**Қўшимча маълумотлар олиш манзили: Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй (ДМК вилоят ҳудудий бошқармаси) 2-қават тел: (8-436) 770-23-34.**

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топшириши керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.


**Газетанинг навбатдаги сони 27 июл, сешанба куни чиқади.**

Insonga naf keltirish - oliy baxt

O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

**Muassis:**
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay`ati:**
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

**Bo`limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat — 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e`lonlar — 256-87-73

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz

**Nashr ko`rsatkichi:**
133

Navbatchi muharrir: A. Toshev
Navbatchi: A. Abdullayev
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Буюртма Г — 651

12995 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 5